Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2013-yil 30-noyabr, shanba № 95 (8640)

**Боқий фикр**

*Халқимиз тинчлик ва фаровонлик, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик ғояларини маслак ва мақсад этиб яшамоқда.*

Ислом КАРИМОВ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 ноябрь куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Тошкентга келган Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведевни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида йўлга қўйилган мунтазам ва изчил сиёсий мулоқот икки томонлама муносабатларда муҳим ўрин тутиши, очиқ ва дўстона фикр алмашиш, турли йўналишлардаги, жумладан, халқаро миқёсда ва минтақа доирасидаги ўзаро ҳамкорликка оид асосий масалаларни муҳокама этиш имконини бераётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон ва Россия бир-бири учун ҳар доим очиқлиги, қарор топган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари юксак қадрланиши қайд этилди.

Шу йилнинг апрель ойида Москвада ўтган олий даражадаги Ўзбекистон-Россия учрашувининг салмоқли натижалари ва унинг асосида имзоланган икки томонлама қатор ҳужжатлар хавфсизлик, иқтисодиёт, маданий-гуманитар ҳамкорлик соҳаларида давлатлараро муносабатларни фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

Суҳбат чоғида жаҳон молиявий инқирози давом этаётганига қарамай, томонлар ўзаро савдо-сотиқнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолишга эришгани ва 2012 йилда унинг ҳажми 12 фоиздан кўпроқ ошиб, 7,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этгани мамнуният билан таъкидланди. Ўзаро товар айирбошлаш таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда.

Россия ҳукумати Раиси самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди ва Россия раҳбарияти ўзаро ишонч, давлатларимиз ва халқларимиз олдида турган узоқ муддатли мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон билан серқирра ҳамкорликни давом эттириш ва мустаҳкамлаш борасида бундан буён ҳам ҳамжиҳатликда иш олиб бориш тарафдори эканини таъкидлади.

**ЎзА**

## ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

**Тошкент шаҳрида 29 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Бош вазири Серик Аҳметов, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян, Қирғизистон Республикаси Бош вазири Жонтўра Сотиболдиев, Россия Федерацияси ҳукумати Раиси Дмитрий Медведев ва Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзоданинг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Музокарада ШҲТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев ва ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Чжан Синьфэн ҳам иштирок этди.

Ўзаро ишонч ва ишчанлик руҳида ўтган мулоқот чоғида ШҲТ фаолияти изчил ривожланиб бораётгани, аъзо давлатлар ўртасида 2007 йилда имзоланган Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

ШҲТ қисқа муддатда жадал ривожланиб, нуфузли халқаро ташкилотга айланди. Унинг халқаро майдондаги мавқеи йил сайин ортиб, ташкилотга аъзо бўлиш истагини билдирган давлатлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

ШҲТнинг асосий мақсад ва вазифалари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва дўстликни мустаҳкамлаш, минтақавий тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, иқтисодиёт, фан-техника, таълим, маданият, энергетика, транспорт, экология каби соҳаларда самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришдан иборат.

Ўтган йиллар мобайнида ШҲТ ҳудудида замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасидаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, ШҲТга аъзо давлатлар ва, умуман, бутун минтақани барқарор иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, ижтимоий-маданий соҳада ҳамкорликни кенгайтириш учун муҳим шартномавий-ҳуқуқий асос яратилди.

Ҳукумат раҳбарлари кенгаши иштирокчилари ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг сўнгги мажлисида ҳукуматлар олдига қўйилган вазифалар — аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий, гуманитар ҳамда транспорт соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришга доир кенг кўламдаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳамда 2012—2016 йилларда ШҲТ доирасида лойиҳавий фаолиятни янада ривожлантириш тадбирлари режасининг ижросини кўриб чиқдилар. Таъкидлаш жоизки, ташқи иқтисодий ва ташқи савдо маҳкамалари раҳбарларининг жорий йил 23 октябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кенгашида иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида мазкур дастур ва тадбирлар режасини бажариш бўйича келишиб олинган эди.

**(Давоми 2-бетда.)**

*8-dekabr — O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kuni*

Шайхонтоҳур туманидаги 316-мактабнинг 2-«В»-синф ўқувчилари иштиёқ билан «Конституция сабоқлари» дарсларида фаол қатнашмоқдалар. Ватанга садоқат ва меҳр-муҳаббат, келажак олдидаги масъулият ҳиссини шакллантириб бориш учун болажонлар ўз ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва вазифаларини англаб етиши зарур. Қомусимизнинг асосий мазмун-моҳиятини ўқувчилар онги ва қалбига содда, эсда қоларли тарзда сингдириш бошланғич синф ўқитувчиларидан юксак маҳорат талаб этади.

Тажрибали муаллима Мунира Очилова «Конституция — асосий қонунимиз» мавзусида ўтказган очиқ дарсда интерфаол ва самарали усуллардан фойдаланилди. Ўқувчилар ўзлари учун кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдилар.

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

## БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

*Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.*

***(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан)***

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, навқирон авлод камолоти йўлидаги ғамхўрликлар Бош Қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва кафолатларнинг амалдаги ифодасидир.**

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан 21 йил муқаддам қабул қилинган Асосий Қонунимиз барча соҳалар қатори таълим тизимини ҳам сифат ва мазмун жиҳатидан тубдан ислоҳ қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Конституциямизда ҳар бир фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқи кафолатланган. Мамлакатимизда қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида барча таълим масканлари замонавий тарзда қайта барпо этилиб, жаҳон талаблари даражасида жиҳозланди. Ёшларимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

— Мамлакатимиз истиқболини таъминлашда биз эришаётган барча ютуқларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётган Конституциямизни билиш, ёшларнинг қонунларга ҳурмат руҳида камол топиши муҳим аҳамиятга эга, — дейди Тошлоқ хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи директори Маҳмуд Маматов.

**(Давоми 2-бетда.)**

# ШҲТ ҲУКУМАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Кенгашнинг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши бошқаруви ва ШҲТ Банкларараро бирлашмаси кенгаши раислари, кузатувчи давлатлар вакиллари — Афғонистон Ислом Республикаси иккинчи вице-президенти М.Халилий, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари С.Сингх, Эрон Ислом Республикаси саноат, конлар ва савдо вазири М.Неъматзода, Мўғулистон Бош вазирининг ўринбосари Д.Тэрбишдагва, Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг миллий хавфсизлик ва ташқи ишлар бўйича маслаҳатчиси С.Азиз, шунингдек, ҳамкор халқаро ташкилотлар вакиллари — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби ўринбосари — БМТ ЭСКАТО ижрочи котиби Н.Хейзер, МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби С.Лебедев, АСЕАН Бош котиби ўринбосари Н.Линь қатнашди.

Мажлис иштирокчилари ШҲТ Ишбилармонлар кенгаши ва Банкларараро бирлашмаси фаолиятига оид ахборотларни тинглаб, уларнинг фаолиятини ижобий баҳоладилар. Ушбу тузилмаларга Ташкилот доирасида ШҲТ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш борасида, хусусан, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини жадал ривожлантириш, саноат инфратузилмаларини модернизациялаш, сармояви лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, ШҲТга аъзо давлатларнинг ишбилармон доиралари ва молиявий тузилмалари ўртасида бевосита алоқаларни ўрнатиш орқали амалий кўмак беришга йўналтирилган лойиҳавий фаолиятни ривожлантириш бўйича ўзаро алоқаларни фаоллаштиришни тавсия этдилар.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш, бандликни таъминлаш, айниқса, ёшлар ўртасида бандликни ошириш масалаларини ҳал этиш муҳимлиги, бунда меҳнат, бандлик ва ижтимоий соҳалардаги чора-тадбирларни мувозанатлашган иқтисодий ва молиявий сиёсат билан уйғунликда олиб бориш лозимлиги қайд этилди.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатлар жаҳон иқтисодиёти барқарор ўсиш суръатларига эришишидан манфаатдор эканлигини таъкидладилар.

ШҲТга аъзо давлатлар ўз мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётини янада ривожлантириш, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва юқорида қайд этилган масалаларни ҳал этиш бўйича ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш орқали ушбу мақсадларга эришишга ўз ҳиссасини қўшаётир.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатлар ишбилармон доираларининг юқори технологияли ва инновацион қўшма ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, иқтисодиётнинг инфратузилма, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, туризм каби муҳим тармоқларида лойиҳаларни амалга ошириш, кўргазма-ярмарка фаолияти ва мультимодал транспорт-логистика комплексларини ривожлантиришга қаратилган амалий ташаббусларини маъқуллади.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо барча давлатларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, минтақавий савдо-иқтисодий ва инвестиция ҳамкорлигини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Шу нуқтаи назардан, Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ушбу мажлисида ШҲТ Тараққиёт банки ва ШҲТ Тараққиёт жамғармасини ташкил этиш борасидаги ишларни давом эттириш юзасидан қабул қилинган қарор муҳим аҳамиятга эга.

Мажлисда транспорт ва халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлаш устувор аҳамият касб этиши тасдиқланди. ШҲТга аъзо давлатларнинг транспорт соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантириш тўғрисида қўшма баёнот қабул қилинди. Бу минтақадаги мавжуд транзит имкониятларидан самарали фойдаланиш, транспорт инфратузилмасини жадал ривожлантириш, юк ташиш ҳажмини кўпайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳисобидан ШҲТ маконида товарлар айланиши ва инвестиция фаоллигини ошириш имконини беради.

Ҳаво, автомобиль ва темир йўл қатнови, қурилиш ва мультимодал транспорт-логистика комплексларидан самарали фойдаланиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Шу муносабат билан мажлисда ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида халқаро автомобиль ташишлар учун қулай шароит яратиш тўғрисидаги битимни тезроқ имзолаш зарурлиги ва бу автомобилда юк ташиш соҳасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ишончли ҳуқуқий асоси бўлиши қайд этилди.

ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасидаги қишлоқ хўжалиги ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорликка оид битимларни амалга ошириш бўйича кўп томонлама алоқаларни чуқурлаштириш муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу жиҳатдан Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мазкур мажлиси доирасида имзоланган ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудида юқумли касалликлар натижасида вужудга келадиган эпидемиологик вазият ҳақида ахборот алмашиш дастури муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданият, таълим, спорт, туризм, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, мамлакатларнинг бой тарихий-маданий меросини тарғиб этиш мақсадида минтақанинг сайёҳлик салоҳиятидан янада тўлароқ фойдаланишга оид алоқаларни ривожлантириш бўйича ишларни давом эттиришга келишиб олинди. Бу ШҲТ ҳудудида истиқомат қилаётган халқлар ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга, уларнинг манфаатлари йўлида маданиятларарро мулоқотни фаоллаштиришга хизмат қилади.

Мажлисда ШҲТ Котибиятининг Ташкилотга аъзо давлатларнинг кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлиги дастурини амалга ошириш жараёнига доир ҳисоботи маъқулланди, унинг 2014 йилги бюджети тасдиқланди. ШҲТнинг доимий фаолият юритувчи органларининг молиявий ва ташкилий фаолиятига оид қатор масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн иккинчи мажлиси якунлари бўйича Қўшма коммюнике имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда мажлис самарали бўлгани, имзоланган ҳужжатлар ШҲТ мамлакатлари ўртасидаги амалий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Ҳукумат раҳбарлари ШҲТга аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг мажлиси юксак савияда ташкил қилинганини эътироф этиб, Ўзбекистон томонига самимий меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдирдилар.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси 2014 йилда Қозоғистон Республикасида ўтказилади.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА махсус мухбири**

# ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

***Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 29 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцяннинг учрашуви бўлиб ўтди.***

Музокарада мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ҳамкорлик кўлами барча соҳаларда кенгайиб бораётгани, бунда Ўзбекистон ва Хитой давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йил июнь ойида Хитойга расмий ташрифи ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг 2013 йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифи икки томонлама алоқаларни янги босқичга олиб чиқиб, ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакат вазирлик ва идоралари ўртасида маданий-гуманитар, ахборот алмашинуви, шаҳарларарро алоқалар, кичик бизнес, темир йўл қурилиши соҳаларига оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

**ЎзА**

*Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari*

# САЙЛОВЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТМОҚДА

**Жиззах вилоятининг Фориш туманида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Ҳозирги кунгача тумандаги 32 маҳалла фуқаролар йиғинидан 27 тасида сайловлар бўлиб ўтди.**

Туманнинг "Ухум" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Ухум маҳалласида ҳам сайлов пухта тайёргарлик ва аҳолининг юксак фаоллиги билан ўтди. Ёпиқ овоз бериш йўли билан ўтказилган сайловда 87 фоиз овоз тўплаган Шавқибой Мақсадов маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди. Шу куни раиснинг етти нафар маслаҳатчилари ҳам сайланди.

— Ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда аҳоли жуда фаол иштирок этмоқда, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи раҳбари Холибек Йўлдошев. — Сайловчилар вакилларини сайлашга бағишлаб ўтказилган йиғилишларда раис ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар билан очиқ-ошкора мулоқотлар ўтказилди.

Туманда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2007 йилда янгитдан бунёд этилган мазкур коллежда 677 нафар ўғил-қиз 4 йўналишда таълим-тарбия олмоқда. Ўқувчилар барча фанлар қатори Конституциямиз, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида ҳам пухта билимга эга бўлишида таълим даргоҳида йўлга қўйилган турли танлов ҳамда ўнга яқин тўгаракнинг ўрни катта.

— Ўзбекистондек келажаги буюк давлатнинг фарзанди эканимдан фахрланаман, — дейди коллеж ўқувчиси Зилола Мутолипова. — Мамлакатимизда ёшларнинг замонавий талаблар даражасида таълим-тарбия олиши, кейинчалик ўзи танлаган касби бўйича ишини давом эттириши учун барча шароит ва имкониятлар яратилган. Биз ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлаб қўйилган Конституциямизни ўқиш, унинг ҳар бир моддасини ўрганиш, мазмун-моҳиятини тушунишга ҳаракат қилмоқдамиз. Зеро, унда ифода этилган таълим олиш ҳуқуқи ёшларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлод сифатида камол топишига хизмат қилмоқда.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

# БИЛИМ, КЎНИКМА, МАЛАКА муҳими — улар ҳаётда асқотиши зарур

**Аввал хабар қилинганидек, 2013-2014 ўқув йилида республика миқёсида 28 та умумтаълим мактаби, 14та академик лицей ва 14та касб-ҳунар коллежида 16та умумтаълим фанлари бўйича компетенциявий ёндашувга асосланган давлат таълим стандартлари (ДТС) ва ўқув дастурлари лойиҳалари тажриба-синови ўтказилмоқда. Шу аснода ўқувчиларда ҳаётий муҳим компетенцияларни шакллантириш даражасини ўрганиш, тажриба-синов натижалари асосида ДТС, ўқув дастурлари ва дарсликларни янада такомиллаштириш мақсади кўзланаётир.**

Синов ишлари тажриба-тадқиқот майдони сифатида белгиланган мактабларнинг ўртача рейтингга эга бўлган параллел синфларидан бирида ўтказилмоқда. Масалан, математика фанидан Бухоро шаҳридаги 23-умумтаълим мактабининг 1—9-синфлари орасидан ўртача рейтингли 9та синф танлаб олинган. Қолган параллел синфлар назорат гуруҳлари бўлиб, уларда фанлар амалдаги ДТС ва ўқув дастури асосида ўқитилаяпти. Тажриба-синов мактабларини белгилашда географик жойлашуви, ҳудудда қайси касб-ҳунар ва мутахассисликларга эҳтиёж катта экани каби омиллар ўрганиб чиқилди.

Янги ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳаси синовига Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлигининг умумтаълим мактабларида ўқувтарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси, Республика таълим маркази, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институти, Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази мутахассислари жалб этилган. Улар тажриба жараёнини илмий жиҳатдан мувофиқлаштириш, натижалар ва хулосаларни таҳлил қилиш, якуний хулосалар тайёрлаб, мувофиқлаштирувчи гуруҳга тақдим этиш, натижалар асосида ДТС ва ўқув дастурларини такомиллаштириш билан бевосита шуғулланади.

Ўқув йилининг биринчи чораги аввалида Республика таълим марказининг бошланғич таълим, тегишли фан бўлимлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ижодий гуруҳ аъзолари томонидан компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳалари, тажриба-синов синфлари учун белгиланган фанлардан тақвиймавзу режа ва мавзулар бўйича ўқувчиларда шакллантирилиши лозим бўлган компетенциялар ҳамда уларни амалга ошириш шакли, ўқувчиларнинг бошланғич компетентлилигини аниқлаш бўйича синфлар кесимида тест саволлари, назорат ишларини ўтказиш учун материаллар, жараёнда амалдаги дарсликдан фойдаланишга оид тавсиялар, дарс ишланмалари, дидактик материаллар тайёрланиб, экспериментатор ўқитувчиларга етказиб берилди.

Тажриба-синов ва назорат синфларида ўқувчиларнинг фанлар бўйича компетентлилигини аниқлаш мақсадида белгиланган назорат ишларини фан ўқитувчиси ва методбирлашма аъзолари ўтказмоқда. Назорат ишларига ДТС ва ўқув дастури асосида ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш билан бирга компетентлилигини белгилайдиган материаллар ҳам киритилаётир.

Белгиланган тартибга кўра, жараёнда келинган хулоса ва дастурни такомиллаштиришга оид таклифлар фан методбирлашмасида муҳокама этилиб, ҳар чорак ва ўқув йили якуни бўйича таҳлилий материаллар тайёрланади. Шундан сўнг умумлаштирилган хулосалар туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлими, ҳудудий халқ таълими бошқармалари ва ПКҚТМОИ олим ва методистлари томонидан кўриб чиқилиб, Республика таълим марказига тақдим этилади.

Айтиш жоизки, ўқувчи ёшларда компетентлиликни шакллантиришга қаратилган мазкур ўқув дастурлари лойиҳаси бизга бутунлай нотаниш ёки янги тушунча эмас. Балки тажрибали педагоглар бу усуллардан амалда кенг фойдаланиб келмоқда. Ота-оналар томонидан оиладаёқ фарзандни лаёқатли қилиб тарбиялаш аньанага айланган. «Йигит кишига етмиш ҳунар оз», «Эпли қиз — сепли қиз» деган халқ мақоллари юрак-юрагимизга сингиб кетгани шундан далолатдир. Фарзандларга қўйиладиган бундай талаб фақат назарий билимларни эгаллаш билан чекланмай, амалда қўллай олиш лаёқатини талаб қилади. Эътибор бер-сангиз, кўпгина ўзбек оилаларида электр ва сантехника жиҳозларини, автотранспорт воситасидаги жузъий носозликларни тузатиш ёки кичик ҳажмли дурадгорлик ишларини бажариш учун уста, либос тикиш учун чевар қидириб юришмайди. Боиси, бундай ҳунарларни ҳаёт давомида бобою момоларимиз, ота-онамиз, маҳалладошларимиздан ўрганиб, кўникиб борамиз. Компетенциявий ёндашувга асосланган ДТС ва ўқув дастурларининг мақсади ҳам шу лаёқатларни янада кучайтириш, замон талаби даражасидаги етук кадрларни вояга етказиш, ўқувчиларга назарий билимларнинг аҳамиятини амалий тартибда тушунтириб бериш, онгига сингдиришдан иборат.

Табиийки, ҳар бир ота-она фарзандини олам-олам орзулар, улкан мақсадлар, ширин ўй-хаёллар билан мактабга етаклаб келади. Келажакда етук инсон бўлиб, оғиримни енгил қилсин, мададкор бўлсин, касб-ҳунар эгаллаб, ўзини иқтисодий таъминласин, оиласини тебрата олсин, дея умид қилади. Таълим муассасасида бериладиган назарий билимлар эса баъзи ўқувчиларга ҳаётда асқотмайдигандек туюлади. Чунки у буларни амалда қўллаш борасида етарли тушунчага эга бўлмайди.

Шуларни инобатга олган ҳолда қуйидагилар ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган асосий компетенциялар сифатида белгиланди:

— *нутқий компетенция* (киришимлилик, мулоқотчанлик, фикрни ифодалай олиш). Чунки ҳар бир ўғил-қиз умри давомида кўплаб одамлар билан мулоқотга киришади. Бордию мулоқотчанлик, фикрини эркин ифодалай олишда нўноқ бўлса, ҳаётий муаммоларини ҳал этишга қийналади;

— *ахборот билан ишлаш* (қидириш, қайта ишлаш, ундан фойдаланиш). Инсон керакли ва фойдали ахборотни қаердан олиш, ундан қандай фойдаланиш, тўғри-нотўғрилигини қандай аниқлаши билмаса, ҳаётда кўп қоқилади. Ёки бўлмаса, ўзини қийнаётган муаммони ҳал этиш учун кимга ёки қайси органга мурожаат этишни билмаган киши, ноилож, унга чидаб яшайверади;

— *математик саводхонлик.* Ҳаётимиз аниқ ҳисоб-китоб ва ўлчамлардан иборат. Ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, деганларидек, оддийгина қўшув, айирув, кўпайтирув ва бўлишни билмаган одам рўзғорга бозор-ўчар қилишга ҳам қийналади.

Ўқувчилар ҳар бир фан бўйича ҳаётий зарур кўникмаларга эга бўлиб боради. Мисол учун, физика фани дарсларида турмушимизда жуда катта ўрин тутган электр билан боғлиқ тушунчаларни билиб олса, кимё фани машғулотларида кимёвий унсурлардан оқилона ва тўғри фойдаланиш лаёқатига эга бўлади. География мўлжал олишни ўргатса, жисмоний тарбия дарсларида саломатликни мустаҳкамлашга оид муҳим тушунчалар берилади. Умуман, баркамол авлодни тарбиялаш ҳар томонлама компетентли (лаёқатга эга бўлган) инсонни вояга етказиш деганидир. Шу боис ҳамма фанларни бир мақсадга йўналтириб боришни давр тақозо этаётир.

— Янги ДТС ва ўқув дастурлари лойиҳасини тайёрлашда ўқувчиларнинг психофизиологик хусусиятлари инобатга олиниб, мураккаб мавзулар янада соддалаштирилган, қуйи синфлардаги ўзлаштирилиши қийин мавзулар юқори синфларга, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув дастурларига киритилган, — дейди Пискент туманидаги 5-умумтаълим мактабининг 5—9-синфларида физика фанидан тажриба-синов ишларини олиб бораётган тажрибали педагог Васила Саидҳўжаева. — Амалдаги дастурда 6-синф дарслигида биринчи чоракда ўтиладиган физик тушунчалар кўп эди. Ҳозир улар камайтирилиб, асосий эътибор мавзуга чуқур кириб боришга қаратилган. Болалар вақт, тезлик, масофани ўлчаш, ҳаётий масалаларни формулалар ёрдамида ечишни ўрганди. Лойиҳанинг ўзига хослиги шундаки, барча мавзулар амалиётга йўналтирилган. Масалан, аввал ўқувчилар физик тушунчаларни дарсликда берилган масалалар асосида ўрганарди. Биринчи чоракда уларга оддий масала — ҳар куни ўзлари босиб келадиган уйидан мактабгача бўлган масофани ўлчашни, шу масофани қандай тезликда, неча дақиқада босиб ўтганини аниқлашни топширдим. Ҳаётий бўлгани учун бунга қизиқмаган ўқувчининг ўзи бўлмади. Болалар мактабга неча дақиқада етиб келиши мумкинлигини билгач дарсларга кечикиш ҳолатлари камайди. Бу янги дастурнинг илк амалий натижасидир. Шунингдек, болаларга турмушимиздаги кўплаб физик жараёнлар ҳақида тушунча бериб бораяпман: чой нега совуб қолади, сув нега исийди, ёруғлик, нур, тебраниш ва ҳоказо. «Эрталаб нонушта пайтида ким ширин чой ичади?» деб сўрайман. Ҳамма бирдек қўл кўтаради. «Айтинг-чи, пиёлага биринчи чой қуйиб, сўнгра шакар солса тез эрийдими ёки шакарнинг устидан чой қуйса?..». Синф жонланиб, ҳар хил жавоблар янграй бошлайди. Фурсатдан фойдаланиб буни билиш учун физика фанини ўрганиш лозимлигини таъкидлайман. Натижада ўғил-қизларда фанни ўрганишга иштиёқ ортиб бораётгани сезилмоқда.

Барча синов мактабларида тажриба синфи ўқувчилари, синф раҳбарлари ва ота-оналар ўртасида лойиҳадан кўзланган мақсад ва унинг мазмун-моҳияти тарғиб этилиб, самарадорликни ошириш юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Экспериментатор ўқитувчилар болалар ёши ва имкониятларига мослигини, мавзулар кетма-кетлиги, узвийлиги, фанлараро боғлиқлигини ўрганиб, натижаларни кундалик кузатув дафтарида тезкор равишда баҳолаб бораяпти. Ўз навбатида, тажриба-синов ўтказилаётган мактаб директорлари, туман (шаҳар) ХТМФМТТЭ бўлими фан методистлари, ВПКҚТМОИдан бириктирилган профессор-ўқитувчилар, методика маркази методистларининг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Хусусан, жараёнда фаол иштирок этаётган мактаб раҳбарлари аниқ режа асосида педагогларга зарур шарт-шароитларни яратиб, дарсларни мунтазам кузатиб боришга, уларга амалий методик ёрдам кўрсатишга, энг муҳими, фаол экспериментаторларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Шу кунларда умумтаълим муассасаларида ўқув йилининг биринчи чорагида эришилган ютуқлар, хулосалар, янги ДТС ва ўқув дастурларининг амалиётга мос келмайдиган жиҳатларини қайта ишлаш, камчиликларини тўлдириш, ривожлантиришга оид таклифлар умумлаштирилмоқда. Дастлабки хулосалар қониқарли экани ҳисоботлардан сезилиб турибди. Жараёнга бириктирилган педагоглар-нинг галдаги вазифаси биринчи чорак давомида тўпланган тажриба асосида лойиҳани ҳаётга татбиқ этишнинг энг мақбул усулларини яратиш, такомиллаштиришдан иборатдир.

**Нарзиқул ТУРДИЕВ,**
**Республика таълим маркази директорининг ўринбосари,**
**Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

*Jarayon*

## Yangiliklarda yurt nafasi

**Термиз давлат университетида "XXI аср – интеллектуал авлод асри" шиори остида ёш олимлар ва талабаларнинг республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, республика "Истеъдод" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман ёш олимлар ва талабаларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, муносиб рағбатлантиришга йўналтирилган.

Тадбирнинг ижтимоий-гуманитар, табиий ва аниқ фанлар бўйича шўъба йиғилишларида ёш олимлар, илмий тадқиқотчилар, талабалар ўз илмий тадқиқот ишлари ва илмий мақолалари билан фаол иштирок этди. Уларнинг изланишлари акс этган маърузалар малакали экспертлар томонидан баҳоланди.

Анжуман доирасида меҳмонлар Термиз давлат университети профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг таълим, илм-фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган ютуқлари акс этган кўргазмалар билан танишиб, ўзаро тажриба алмашди.

**Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида "Саломатлик кунлари" тадбири бўлиб ўтмоқда.**

Тадбир давомида юқори малакали шифокорлар вилоятнинг олис ва чекка ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса, кам таъминланган, тиббий муолажага муҳтож фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

— Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, малакали ва бепул тиббий хизматдан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди тиббий мутахассислар гуруҳи раҳбари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг "Кардиология ва геронтология" кафедраси мудири Гавҳар Тўлабоева. — Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида эришилаётган юксак натижаларнинг халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлаётгани ана шундай кенг қамровли тадбирлар самарасидир

— Шифокорлар қабулига Конимех туманидан келдим, — дейди Сара Узоқбоева. — Кўпдан буён юрагим безовта қилар, юрганда нафас олишга қийналардим. Кардиолог шифокор ҳузурида бўлиб, самарали муолажалар бўйича зарур маслаҳатлар олдим.

**Бухорода Абу Али ибн Сино таълимотининг фан тараққиётидаги ўрнига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда Франция, Жанубий Корея, Индонезия, Туркия ва бошқа мамлакатлардан келган олимлар иштирок этди.**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда ўпка, респиратор, невралгия, юқумли касалликларни даволашда, фармакологияда буюк ҳаким тажрибаси ҳамда тавсияларидан замонавий тиббиётда ҳам кенг фойдаланилаётгани таъкидланди.

Буюк аллома меросида халқ табобати алоҳида ўрин тутади. Инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳаёт сифатини яхшилашда замонавий тиббиёт билан бирга илмий асосланган халқ табобати ҳам катта аҳамият касб этади. Тадбирда Абу Али ибн Сино таълимоти қатор касалликларни даволашда халқ табобатига асос ва дастуриламал бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Икки кун давом этган халқаро анжуман якунида Абу Али ибн Сино меросини ўрганишда халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, ўзаро тажриба алмашиш, аллома фаолиятининг турли йўналишлари бўйича долзарб масалалар ечимини топишга қаратилган илмий салоҳиятни мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш борасидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Наманган шаҳар ҳокимлиги, шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, шаҳар прокуратураси, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.**

Шаҳардаги корхона, ташкилот ва муассасалар бир минг тўрт юздан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этган ярмаркада 196 нафар, жумладан, 33 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиси ўз мутахассислиги бўйича ишга йўлланма олди.

— Бандлик дастурининг бажарилиши, айниқса, ёшлар, касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлашда меҳнат ярмаркалари самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Наманган шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Ш.Пўлатов. — 2013 йилнинг ўтган даврида ташкил этилган ана шундай тадбирларда 1 минг 300 кишининг ишга жойлашгани фикримиз далилидир.

**ЎзА ва махсус мухбирларимиз йўллаган материаллар асосида тайёрланди.**

## Ҳуқуқ ва манфаатларимиз кафолати

**Тошкент ислом университетида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллиги муносабати билан "Конституция — ҳуқуқ ва манфаатларимиз кафолати" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.**

Тадбирда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий маркази директори, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасининг тайёрланиши, қабул қилиниши ҳамда такомиллашиш жараёнлари ҳақида сўз юритдилар.

Тадбир давомида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизми шаклланган, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигига асосланган Бош Қомусимиз асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди. Тадбир якунида талабаларнинг Конституцияга оид билимларини синовдан ўтказиш мақсадида викторина ўтказилди ва ғолиблар тақдирланди.

**Бобобек МАҲРАМОВ**
**"Ma'rifat" мухбири**

## Методистлар учун семинар

**Яккасарой туманидаги 144-мактабда «Конституция — бахтимиз пойдевори» мавзусида семинар ўтказилди. Тадбирда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси мутахассислари, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари, Республика таълим маркази ходимлари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази методистлари, ўқитувчи ва ўқувчилар иштирок этди.**

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди. «Конституциямиз — ҳуқуқ ва эркинлигимиз кафолати» шиори остида ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича методик тавсиялар ва очиқ дарс ишланмаларидан намуналар ўқитувчиларга тарқатилди. Тадбир доирасида «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Президент асарлари билимдони», «Инсон, унинг қадр-қиммати, ҳақ-ҳуқуқи мукаддас саналган юрт» мавзусидаги кўрик-танловларда совринли ўринларни қўлга киритган мактаб ўқувчилари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

## Журналист ихтисослашуви

### семинарнинг асосий мавзуси

**Бугун оммавий ахборот воситалари олдига қўйилаётган муҳим шартлардан бири воқеа ва ҳодисаларни ўз вақтида холис ва чуқур таҳлил асосида ёритиш, оммани хабардор қилишдан иборат. Бунинг учун эса журналистларнинг ихтисослашуви шунингдек, ихтисослашган кадрлар тайёрлаш талаб этилади.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университетида «Олий журналистика курсларида ихтисослашув масалалари» мавзусидаги II илмий-амалий семинарда ана шу масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон мустақил оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро жамоатчилик маркази ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда ўтказилган семинарда депутатлар, босма ва электрон ОАВ вакиллари, университет профессор-ўқитувчилари, магистрантлар, Олий журналистика курси тингловчилари иштирок этди.

Тадбирда «Ўзбекистонда профессионал журналист кадрларни тайёрлаш масалалари», «Бугунги кун журналистининг касб маҳорати», «Замонавий ОАВда касбий универсаллашув ва ихтисослашув», «Олий журналистика курсларида ўқув-амалиёт кўникмалари» каби илмий-назарий мавзуларда маърузалар тингланиб, ўзаро фикр алмашилди.

**Муҳаммадсодиқ САЙФУЛЛАЕВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети**
**Олий журналистика курси талабаси**

## Замонавий таълим технологиялари амалиётда

**Наманган давлат университетида «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш» мавзусида кўчма семинар-тренинг бўлиб ўтди.**

Семинар-тренингда Наманган шаҳри, Наманган, Тўрақўрғон, Уйчи, Чортоқ туманлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директорларининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари, тажрибали ўқитувчи ва муҳандис-педагоглари иштирок этди.

Вилоятда бундан тўрт ой муқаддам ушбу семинар-тренингнинг 1-босқич машғулотлари ўтказилган эди. Навбатдаги 2-босқич машғулотларидан ўқув фанлари бўйича замонавий педтехнологиялар, таълимнинг оптимал метод, шакл ва воситаларини танлаш ва улардан самарали фойдаланиш каби мақсадлар кўзланган. Машғулотларни Тошкент шаҳридаги олий таълим муассасаларидан ташриф буюрган 18 нафар профессор-ўқитувчи олиб борди.

— Тренинг давомида тингловчиларимиз томонидан 20дан ортиқ фанлар бўйича таълим технологиялари яратилиб, мустақил фаолият натижалари тақдимоти ўтказилди, — дейди Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди Муборак Ғаниева. — Интерфаол усуллар, замонавий методлар асосида оригинал дарс ишланмалари яратилди. Энг қувонарлиси, 1-босқич машғулотларимизда фаол иштирок этган тўрт нафар ўқитувчининг 6 йўналиш бўйича бажарган методик ишланмалари экспертлар томонидан юқори баҳоланди ва республика миқёсида оммалаштириш учун тавсия этилди.

**Нуруллоҳ ЗАЙНИДДИНОВ**

## Лойиҳанинг асосий мақсади

### ёшларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш

**"Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши томонидан Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Адлия вазирликлари билан ҳамкорликда уюштирилаётган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати" мавзусидаги тарғибот лойиҳаси доирасида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

— Лойиҳа жорий йилнинг 15 декабригача юртимиздаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ва маҳаллаларда ўтказилади, — дейди "Камолот" ЁИҲ марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова. — Лойиҳа уч босқичда ташкил этилмоқда. Дастлаб, иқтидорли талабалар ва олий ўқув юртларининг ёш ўқитувчиларидан иборат 150 нафарга яқин тарғибот гуруҳи шакллантирилди. Айни кунларда давом этаётган иккинчи босқич доирасида тарғибот гуруҳлари томонидан бошланғич ташкилотларда давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ва очиқ-мулоқотлар ўтказилаётир. Учинчи босқич эса 2—15 декабрь кунлари бошланғич ташкилот етакчилари томонидан ўқиш ва иш жойларида ташкил этилади.

Лойиҳа доирасида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳиятини тушунтириш, ёшлар ҳаётига оид қонуний-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда уларнинг бевосита иштирокини таъминлаш мақсадида вилоят, шаҳар ва туман судларида учрашувлар ташкил этиш, "Конституция билимдони" он-лайн танлови уюштириш назарда тутилган.

**Севара СУЛТОНОВА,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

*Diqqat, yangi rukn: "Boshlang'ich ta'lim"*

***«Замонавий бошланғич таълимнинг ўзи нимадан иборат бўлиши керак. Бола 1–4-синфларда қандай билимга эга бўлиши лозим. Уларнинг тарбияси қандай бўлиши керак. Шу масалаларга жавоб топишимиз зарур», дея таълим тамалини мустаҳкам қўйиш масаласини илгари сурган эди Президентимиз Ислом Каримов. Дарҳақиқат, боланинг ўқишга муносабати мактаб муҳитига мослашиб, ўқиш-ёзишни ўрганаётган давридан шакллана бошлайди. Бошланғич таълим ўқитувчисининг касбий салоҳияти, бола психологиясини билиши, бугунги кунда айни йўналишдаги янгиликлар, муаммо ва ечимлардан хабардор бўлиши ўқитиш сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, таълим сифатини янги босқичга кўтариш, замонавий воситаларни амалиётга жорий этиш, бу жараёнга кенг педагогик жамоатчилик ва мутахассисларни жалб қилиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида яқинда Халқ таълими вазирлигининг «Умумтаълим мактабларида бошланғич таълимнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Бу, ўз навбатида, соҳани мазмун жиҳатдан такомиллаштириш йўлидаги яна бир дадил қадамдир. Газетамизда янги ташкил этилган "Boshlang'ich ta'lim" рукнида ҳам бу борадаги янгиликлар, таклиф ва тавсиялар, илғор тажрибаларни янада кўпроқ бериб боришни режалаштирганмиз. Қуйида «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2012» кўрик-танлови ғолиби, Бухоро шаҳридаги 17-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нафиса САФАРОВАнинг ўзига хос тажрибаси, фикр-мулоҳазалари билан танишишингиз мумкин.***

# БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИ

## *энг етук, энг тажрибали бўлиши керак*

Бола мактабга қадам қўйган дастлабки кун ҳаётида такрорланмас ва унутилмас лаҳзалардир. Боғчадаёқ мактабга боришни орзу қилган кичкинтой юрагида бир олам қувонч билан остона ҳатлайди. Шу заҳотиёқ "Устозим ким экан?" деган ўй билан атрофга боқади. Бу савол фақат болакайдамас, унинг жажжи қўлчасидан етаклаб, не орзуумидлар билан фарзандини мактабга олиб келган ота-она хаёлидан ҳам ўтади...

Бу кун ўқитувчи учун-да ҳаяжонли дам. Барча ҳамкасблар қатори менинг ҳам фаолиятимда ҳар тўрт йилда такрорланади. Президентимизнинг «Боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шакллана диган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар биркитиб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади», деган сўзларини фаолиятим шиори деб биламан. Юртимиз келажаги — болажонларнинг маржон кўзларига боқар эканман, бировнинг омонати бўлган бебаҳо жавоҳирга зеб бериши зарур заргардек ҳис этаман ўзимни. Унинг мурғак бармоқларига қалам қистириб ҳарф ёздираётган, сўзларни ҳижжалаб ўқитаётган манзаралар кўз олдимга келади. «У албатта синфимдаги энг аълочи ўқувчилар қаторига киради», дея ўзимни ишонтираман. Ҳар бир бола ҳақида шундай тасаввур қилсак, кейинчалик шу мақсад сари одимлаб бораверамиз. Бу ишонч ўқувчимизга ҳам ўтиши тайин. Айтмоқчиманки, синфни моҳирона бошқаришни истаган ўқитувчи илк таассуротга жиддий аҳамият бериши лозим. Ўқувчи — ўқитувчи — ота-она ўртасида энг аввало самимият ва ишонч риштаси боғлансин...

Бошланғич синф ўқувчисини юқори синфга тарбияли, интизомли, одоб-ахлоқли қилиб ўтказадиган биринчи муаллимдир. Баъзан 5-синфни қабул қилиб олган фан ўқитувчилари болани мактабга қандай ўргатганимизни тасаввур этиб, бунинг нақадар мушкуллигини тан оладилар. Ота-оналардан гоҳида «битта болани эплай олмаётгани», «яхшики, устози борлиги», «ҳаммасини шу муаллими ўргатаётгани»ни эшитиб, теримизга сиғмай кетамиз, ғайратимизга ғайрат қўшилади.

Бола биринчи устозини яхши кўради. Унинг барча айтганларини қонун деб билади. Бу педагогга болаларни бошқаришда асқотади. Улар мактабга илк марта келган куниёқ ташаббусни қўлга оламан. Ўқитувчи ва ўқувчи орасида мажбурий итоаткорлик эмас, онгли интизом устувор бўлиши лозим. Албатта, тартиб-қоидаларни бола руҳиятига сингдириш алоҳида вақт ва масъулият талаб этади. Маънавиятли ва билимдон авлодни тарбиялаш учун, аввало, синфни жипслаштириб, ҳар бир дарсимизнинг таълимий-тарбиявий мақсадларини уйғунлаштириб, йўлимиз — услубимизни тўғри ва аниқ танлай олишимиз керак. Дарс давомида турли топшириқларни ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб борсак, ўқувчининг олган билимларидан амалда фойдалана олиш лаёқати ошади. Масалан, 2-синфда ўқиш фанидан ўтиладиган Неъмат Тошпўлатнинг «Мукофот» эртагида ўрмондаги мактаб ҳаёти тасвирланади. Мавзуни ўтишдан олдин муаллиф ҳақида маълумот бериш, «Чархпалак» усули ёрдамида ҳайвонлар номини ўргатиш, «Ўргимчак» методи воситасида эса зукколикни ошириш, китобга меҳр уйғотиш, табиатга ғамхўрлик туйғусини шакллантира бориш мумкин.

Мавзуни ҳаёт билан боғлаш мақсадида бош қаҳрамон Товусхонни кимга ўхшатиш мумкинлигини ўқувчиларимдан сўрадим. Улар муаллимга ўхшатишди. Товусхоннинг вазминлиги, меҳрибонлиги, жажжи ҳайвонларга нималарнидир ўргатиб, тўғри йўлга йўллагани учун шу хулосага келишибди. Товусхон ўрмон аҳлига китоб тарқатаётиб, уни авайлаб, бўямасдан, букламасдан ўқиш кераклигини айтади. Китобни тоза-озода сақлаганлар мукофот олади. Мен уларни синфдаги энг ораста ўқувчиларга ўхшатишни таклиф қилганимда болаларнинг ўзлари синфдошлари орасидан энг муносиб номзодларни аниқлашди. Шундан сўнг: «Китобни кемирган сичқонча каби ўқувчилар ҳам орамизда борми? Ўйлайманки, ундай болалар синфимизда йўқ, ҳамма совға олишга лойиқ!» деганимда айрим китобни авайламайдиган ўқувчиларим ўзига тегишли хулоса чиқаришади. Албатта, уларни ошкора изза қилиб бўлмайди...

Боламизнинг улғайиши, шахс бўлиб шаклланишида фақат ўқитувчигина эмас, уни ўраб турган муҳит ҳам катта таъсир кўрсатади. Мактабда яратилган шароит, кутубхоначи ташкил этадиган китоблар кўргазмаси, ҳамширанинг ўқувчи соғлиғини назорат қилиши, амалиётчи психолог ўтказадиган машғулотлар бошланғич таълим ўқитувчиси учун таълим-тарбияда катта ўрин тутади. Синфни бошқарарканман, албатта, ана шу мутахассислар кўмагига таянаман. Буни айтишдан мақсад, ҳамкасбларимизнинг таълим-тарбияни ҳамкор-ҳамжиҳатликда олиб боришга узлуксиз ва изчил эътибор қаратишларини истардим. Айниқса, болаларни бошқаришда ота-оналарнинг алоҳида ўрни бор. Муаллим ота-оналар билан мунтазам алоқада бўлсагина, меҳнати натижасини янада ёрқинроқ кўриши мумкин. Синфимдаги барча ўқувчиларнинг оиласи билан ҳамкорликда ишлашга ҳаракат қиламан. Тез-тез учрашиб ёки телефон орқали гаплашиб турамиз. Бу уларнинг фарзандига эътиборсиз бўлиши, аниқроғи, мактабдаги таълим-тарбиясига бепарволигининг олдини олади. Ота-оналар билан боласининг ютуқлари ва камчиликларини таҳлил қилиб, муаммоларни биргаликда бартараф этамиз. Охир-оқибат бола ҳам, ота-она ҳам мақтов эшитади ва ҳамкорлик мустаҳкамланади.

Масалан, давоматни олсак. Дарсда иштирок этмаётган ўқувчининг оиласига қўнғироқ қилиб, келмагани сабабини аниқлайман. Суҳбатни, албатта, ўқувчиларим олдида амалга ошираман. Бу орқали ўқувчининг оиласига таъсир этиш билан бирга, синфдаги бошқа болаларнинг дарсдан сабабсиз қолмаслигига ҳам эришилади. Чунки улар ҳам агар мактабга келишмаса, ота-онасига қўнғироқ қилишимни яхши билишади. Натижада давомат борасида ҳам юқори даражага эришилади.

Ота-оналар билан мулоқот қилишнинг яна бир воситаси — кундалик дафтари. Дафтарга боланинг ютуқ ва камчиликларини мунтазам ёзиб, мактабда бўлаётган муҳим янгиликлардан хабардор этиб бораман, "Баракалла!", "Ота-онангга раҳмат!", "Яша!", "Офарин!" каби рағбатлантирувчи сўзлар ёзиб бераман. Бундан жажжи юраги ифтихорга тўлган ўқувчи бошқаларга ўрнак бўлади, унга ҳавас қилган синфдошлари ҳам шундай мақтов эшитиш учун ҳаракат қилади.

Ватан корига ярайдиган чуқур билимли, юксак маънавиятли инсон улкан бинога ўхшайди. Албатта, бу бино пойдеворини мустаҳкам қурмоқ лозим. Кичик ёшли ўқувчиларни тарбиялашда ҳар бир қадамни ўйлаб, ўлчаб босмасдан илож йўқ. Ватан биноси тамалини мустаҳкам ўрнатиш энг улуғ бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик, азиз ҳамкасбим!..

**Ғолиб БАҲРОМОВ**
**ёзиб олди.**

**Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси чет тили таълими системасини янада такомиллаштирмоқда. Қарорда белгиланган вазифалар ижроси самараси ўлароқ келгусида чет тилларни кенг кўламда ўрганиш, ўқувчи-ёшларнинг жаҳондаги улкан интеллектуал бойликларни эгаллаш, дунё цивилизацияси ютуқлари ҳамда жаҳон ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконияти кенгаяди.**

# МАШҒУЛОТ МУВАФФАҚИЯТИ

## *муаллим маҳоратига боғлиқ*

Бугун ўқитувчидан талаб этилаётгани — педагогик маҳорат ва янги инновацион технологияларни дарсларга жорий этиш ва дарсларни юқори психолингвистик даражага олиб чиқишдир. Шу маънода ҳозирги кунда юртимиз таълим жараёнида, жумладан, чет тилини ўқитишда ҳам кластер, инсерт, ролли ўйинлар, кичик ғуруҳларда ишлаш, жуфт-жуфт ишлаш, дебат, дискуссия, лойиҳалаш, ақлий ҳужум каби қатор интерфаол усуллардан унумли фойдаланила бошланди. Бу методларнинг афзаллиги шундаки, ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақтда юқори натижаларга эришиш мақсадини кўзда тутади.

Дарсда кўргазмали қуроллар, замонавий техник воситалардан (компьютер тармоғи, проекторлар, слайдлар, флип карталар) унумли фойдаланиш ҳам таълим олувчининг диққатини жалб қилади. Бунда педагогнинг вазифаси дарсда фаол ишлаш ҳолатини юзага келтиришгина эмас, балки ўқувчиларнинг ўтиладиган материални идрок этишга тайёр туришларини кузатиш ҳамдир.

Ўқув материалларининг турли кўринишда, турли сезги органлари орқали қабул қилиниши ва идрок этилишини таъминлаш таълим самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнайди. Агар берилаётган ахборот ҳеч қандай ҳис-туйғу уйғотмаса, ўқувчилар яхшилаб эсда сақлаб қолмайдилар. Ўқитишнинг эмоционаллиги таълимнинг муваффақиятини таъминловчи омиллардан биридир. Масалан, ўқитувчи ўқувчига инглиз тилида учрайдиган сўз ва сўз бирикмаларини эсда сақлаб қолиши муҳимлигини тушунтиради. Бу ўринда to look — қарамоқ деб таржима қилинса, to look after — асрамоқ, to look for — қидирмоқ, to look like — ўхшамоқ, to look over — кўз югуртирмоқ каби сўз ва сўз бирикмалари ўзидан кейин келаётган сўз билан биргаликда ўзга маънони англатмоқда. Яъни, бунда ўқувчи сўз бирикмаларининг маъносини ёд олиши керак.

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, тингловчи инглиз адабиёти ёки бирор мавзу ҳақида маъруза тингласа, мавзуни сўзма-сўз эмас, балки ўз сўзлари билан гапириб бериши мақсадга мувофиқ. Ўқилган маъруза-ни тингловчи қанчалик тушунганини текшириб кўриш учун ўқитувчи маъруза давомида айтиб ўтган саналарнинг бир нечтасини доскада ёзиб, ушбу санада қандай муҳим воқеалар рўй берганини сўраб олиши мумкин. Бу жараёнда хотира машқлари(memory work)дан унумли фойдаланилади. Бир хил усулда ахборот бериш ва бир хил усулдаги ҳаракатлар тезда зериктиради. Ўқувчилар ҳеч қандай ҳиссиётсиз уйғотмайдиган материалга қараганда эмоционал руҳдаги материални яхшироқ эслаб қолишади. Хотира машқларини кўпроқ ўтказиш ҳам яхши самара беради. Хотира машқини дарснинг мустаҳкамлаш қисмида, яъни машғулотга хотима ясаш жараёнида ўтказса ҳам бўлади.

Ўқитувчи маъруза дарсида инглиз шоири Роберт Бёрнс ҳаёти ва ижоди ҳақида талабаларга маъруза ўқиш асосида ўзбек шоир ва ёзувчилари ижодидан ҳам мисоллар келтириб, уларнинг ватанни мадҳ этувчи шеърларидан ўқиса, талаба маърузадан зериктирмайди ёки дарсга беэътибор бўлмайди. Ўқув материалининг аниқлиги, ҳиссиётга бойлиги, ўқитувчининг завқланиб гапириши ҳам ўқувчининг фанга қизиқиши ортишига жуда катта таъсир кўрсатади.

Малакали ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқишга қизиқишини кучайтириб бориш учун қуйидагиларга амал қилиши муҳимдир. Ўқувчиларнинг билишга интилишини, ақлий меҳнатга қизиқишларини ошириш ўқув жараёнининг шундай ташкил этилишини таъминлайдики, унда ўқувчи фаол ҳаракат қилади, мустақил изланиш ва янги омилларни кашф этишга, муаммоли вазиятларни ўзи ҳал этишга интилади.

Хулоса қилиб айтганда, дарс ва машғулотларда илғор ўқитиш методикасидан унумли фойдаланиш ўқувчи ва талабаларни суст тингловчидан фаол иштирокчига айлантиради.

**Шаҳодат АҲМЕДОВА,**
**Вазира ШОЙНАЗАРОВА,**
**Термиз давлат университети ўқитувчилари**

# «ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИГА ҚИЗИҚАМАН»

***Ўқитувчи замонавий асбоб-ускуналар воситасида интерфаол усулларда дарс ўтар экан, зерикарли баёнчиликдан халос бўлади. Кичик гуруҳларга бўлинган ўқувчилар ижобий рақобатга асосланган қизиқарли беллашувларда мавзуни пухта ўрганишади, ўз иқтидорларини синовдан ўтказишади. Лаборатория машғулотларида эса олинган билимни мустаҳкамлаб, асосийси, амалда татбиқ қилиш имконига эга бўладилар.***

Гулистон шаҳридаги 16-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Тожинор Низомова лаборатория ишларига алоҳида эътибор берадиган тажрибали муаллимлардан бири.

Мактабнинг физика хонаси замонавий жиҳозлар ва 148 номдаги ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминланган. "Эврика" тўгарагида ўқувчилар физикага оид билимларини мустаҳкамлайди.

— Лаборатория ишларига қизиқаман. Масалан, Эбонет таёқчага мўйнанинг ёки шиша таёқчага шойининг ишқаланиши натижасида электр зарядининг ҳосил бўлишини кузатиш жуда ҳам завқли, — дейди 8-синф ўқувчиси Севинч Қодирова. — Физикага оид деворий газета чиқарамиз, масалалар ечиш, атама ва формулаларни топиш бўйича мусобақалар ўтказамиз. Ўзимиз ҳам кичик-кичик ихтироларга қўл ура бошладик.

7-синф ўқувчилари навбатдаги машғулотни бажариш учун дафтарларини қўлга олишди. Лаборатория ишининг мақсади — Ньютоннинг 2-қонунини ўрганиш. Керакли жиҳозлар: енгил ҳаракатланувчи аравача, стол устига ўрнатиладиган блок, рақамли лаборатория секундомери, тарози, ўлчов лентаси ҳозирлаб қўйилди. Ўқувчилар устознинг тегишли кўрсатмаларидан сўнг ишга киришиб кетдилар. Тартиб асосида давом этган машғулот якунида формулалар, жадваллар асосида Ньютоннинг 2-қонунини ифодалаб, шарҳлаб беришди...

— Бундан бир неча йил аввалги лаборатория жиҳозлари нисбатан кам ишлатилган вақтдаги натижалар билан биринчи чорак якунларини таққосладим, — дейди муаллима. — Кейинги йиллардаги самарадорлик, ўқувчиларнинг фанга қизиқишлари анча юқори. Ўқувчи, аввало, назарияни чуқур билса, лаборатория ишларини тўғри бажаради. Формулаларни пухта ўзлаштирган бўлса, масалани тез ва осон ечади.

Мактабларимиз табиий фанлар(биология, физика, кимё) бўйича ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланган. Аммо ўқувчиларнинг лаборатория ишларини бажариш борасидаги билимларида бўшлиқларнинг мавжудлиги фанлар олимпиадаси ва билимлар беллашуви танловларида сезилиб қолмоқда, — дея куюнади муаллима.

Ўз билим ва тажрибаларини ҳамкасблари билан ҳам бўлишишни истаган Тожинор Низомова Сирдарё вилояти педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти «Табиий ва аниқ фанлар таълими» кафедраси ўқитувчиси М.Бегалиев билан ҳаммуаллифликда "Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-, 7-, 8-, 9-синфларида лаборатория ишларини бажариш бўйича методик тавсия" нашр эттирди. Қўлланмада ўқув-лаборатория жиҳозларидан фойдаланиш ҳамда 27та лаборатория ишини ташкил этиш тартиби баён қилинган. Ана шу тавсиялар асосида ўтган ўқув йили вилоят мактабларида ҳудудий семинарлар ўтказилди. Тадқиқотчи педагог уч йил давомида аниқ ва ижтимоий фанлар йўналиши бўйича республика миқёсидаги тажриба-тадқиқот майдончасига айлантирилган ушбу мактабда 6—9-синф физика дарсликларини синовдан ўтказди. "Физика фанини ўтишда лаборатория ишларининг самарадорлиги" мавзусидаги иш тажрибаси эса республика миқёсида оммалаштирилди. Бундан ташқари, интерфаол усуллар асосида тайёрланган "Жисмларнинг иссиқликдан кенгайиши", "Механик энергиянинг сақланиш ва айланиш қонуни", "Электр асбоблар билан ишлашда хавфсизлик қоралари" каби дарс ишланмаларидан ёш педагоглар самарали фойдаланмоқда.

**Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

# «ХОРИЖИЙ ТИЛ АСОСЛАРИ МОДУЛИ»

***Тошкент вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида саккиз соатлик «Анъанавий гуруҳларда хорижий тил асослари модули» махсус курси ташкил этилди. Мазкур курсда вилоятдаги бошланғич синф ҳамда фан ўқитувчилари чет тилларидан билимларга эга бўлмоқда.***

*— Махсус курс барча фан йўналишидаги ўқитувчилар учун танланган мавзулар асосида олиб борилади, — дейди институт проректори Нилуфар Йўлдошева. — Шунингдек, институтимиздаги 50га яқин профессор-ўқитувчиларимиз ҳам икки гуруҳга бўлинган ҳолда чет тилларни ўрганишмоқда. Ҳозиргача вилоятдаги туман ва шаҳарлар кесимида жами 173 нафар ўқитувчилар махсус курсни ўтади.*

*Тренер-ўқитувчи Муҳаббат Юсупованинг таъкидлашича, дарсларда тингловчиларга ўзи ҳақидаги маълумотларни эркин ифодалай олиш, умуман, оғзаки ва ёзма шаклда бошланғич мулоқотга киришиш ўргатилаяпти. Тингловчиларга «Introduction» (танишув), «My educational institution» (Менинг таълим муассасам), «About professions» (касблар ҳақида), «My daily routine» (Менинг кун тартибим) мавзуларида икки соатдан дарс ўтилмоқда. Жараёнда интерфаол усуллар, оғзаки савол-жавоблар, замонавий мультимедиа воситалари, жумладан, видеопроектордан самарали фойдаланилаяпти.*

*«Анъанавий гуруҳларда хорижий тил асослари модули» махсус курсида малака оширган тингловчиларнинг кейинги фаолияти самарадорлиги ҳам назорат қилиб борилади.*

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Ilg'or tajriba

# ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН ЧИҚАДИ

## ёхуд ота-оналар билан ишлашнинг ўзига хос йўллари хусусида

***Кўҳна Рим файласуфларидан бири Эпиктет "Барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир", деган эди. Ана шундай инсон аввало оилада, ота-она тарбияси орқали шаклланади. Шу билан бирга, ўғил-қизнинг етарли билим ва кўникма эгаллашида таълим-тарбия соҳаси вакилларининг зиммасига улкан масъулият юкланади, албатта.***

***Хўш, ўқитувчининг бир ўзи ўғил-қизлар камолотини таъминлай оладими? Албатта, бунинг сира иложи йўқ. Шу ўринда халқимизнинг "Қарс — икки қўлдан" деган ҳикматли нақлини эслашнинг ўзи кифоя. Бу борада ишни қандай ташкил этиш керак? Мен бир оддий ўқитувчи сифатида шу тарбия уммонининг бир қатрасига — таълим-тарбия борасида ота-оналар билан ишлаш масаласига тўхталмоқчиман.***

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширила бошлаган дастлабки йилларда кўпчилик ота-оналарнинг аввалда мавжуд бўлган СПТУлар ҳақидаги эски тасаввурига таяниб "Коллежда ўқиб нима бўларди?" деб касб-ҳунар таълимига шубҳа билан қараганлиги бор гап эди. Бугунга келиб улар фарзандлари касб-ҳунар коллежларида ўқишининг афзаллигини тушуниб етмоқдалар. Чунки коллежларда таълим олган ўқувчи ўзи қизиққан касб-ҳунар сирларини ўрганиб, мутахассислик бўйича дипломни қўлга киритади. Ота-оналарда фарзандини юксак маънавиятли, билимли, комил инсон этиб вояга етказиш истагини янада кучайтириш зарур. Педагог улар билан кўпроқ мулоқотда бўлиши ва бамаслаҳат иш олиб бориши ўз самарасини бермай қолмайди.

Ўқитувчи ота-оналар билан ҳамкорликда ниҳоятда эҳтиёткор ва жуда топқир бўлиши мақбулдир. Улар билан юзма-юз бўлишдан аввалроқ ҳар бири билан яқиндан танишиш, руҳиятини ўрганиб чиқиш ҳам зарар қилмайди. Ана шундан кейингина ота-оналар иштирокида ноанъанавий, интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда семинар-тренинглар ташкил этиш керак. Мисол учун, жорий ўқув йилининг дастлабки кунларидаёқ ўзим раҳбарлик қилаётган гуруҳда давра йиғилишни шундай олиб боришни йўлга қўйдим. Самараси саноқли кунларда кўзга ташлана бошлади.

Аввало, йиғилиш ўтказиладиган хонадаги столларни етти жойга ўрнатдим. Гуруҳлар номланди ва ўринлар, яъни 1–7-ўринлар белгиланди. Бу усулни "Ранглар жилоси" деб ҳам аташ мумкин. Чунки еттита столга етти хил рангдаги расм ёки белги қўйилди. Ўтган ўқув йили, яъни 2-семестр якуни бўйича биринчи ўринни эгаллаган ўқувчи ота ёки онаси билан бирга 1-столга ўтиради. Бу ўқувчилар ўқишда, жамоат ишларида фаол иштирок этишган. Улар семестр бўйича фақат аъло баҳоларга ўқиганлардир. Қолган столларга семестр якуни бўйича ўрин эгаллаган ўқувчилар ота ёки оналари билан жойлашади. Ота-оналарга ўз фарзандларининг рейтинг дафтарчалари берилади. Бу усулнинг аҳамиятли томони шуки, 4–7-ўринларни эгаллаган ўқувчиларнинг ота-оналарида "Нега менинг фарзандим олдинги ўринда эмас?" деган саволни пайдо қилиши шубҳасиз. Кейин ота-оналар ва ўқувчиларга анкета саволлари тарқатилади. Жавоблар ёзма равишда олинади. Ота-оналарга фарзандининг нималарга қизиқиши, севимли машғулоти, эгаллаётган касб-ҳунари, бадиий асар ўқиши, фарзандига қайси китобни совға қилгани тўғрисида саволлар берилади. Албатта, йиғилишдан олдин бу саволларга ўқувчиларнинг жавоби олинган бўлади. Жавоблари фарзандининг жавоблари билан бир хил чиққан ота-оналар ғолиб бўлади. Уларга янги нашрдан чиққан бадиий китоб ва ширинликлар мукофот тарзида берилади. Шу тариқа ота-оналар ва ўқувчилар билан ҳар хил мусобақалар ташкил этилади. Ота-оналар билан сўровнома қуйидагича бўлиши мумкин:

> Қўрғонтепа иқтисодиёт коллежи _____ босқич ____гуруҳ ўқувчиси _____нинг ота ёки онаси _____нинг фикр-мулоҳазалари
> Ёши:_____
> Касби: _____

**1. Фарзандингиз ҳақидаги фикр-мулоҳазаларингиз. Унинг фикрлари оилада ҳисобга олинадими?**

**2. Қайси ҳунарга ёки касбга қизиқади, нималарни ёқтиради? Кийиниш маданияти, одоб-ахлоқи, телефондан фойдаланиш, гаплашиш маданияти ҳақида нималар дея оласиз?**

**3. Бўш вақтида нималар билан шуғулланади? Интернет клубларга борадими? Бирор масалада фарзандингиз билан маслаҳатлашасизми, унинг фикрларини инобатга оласизми?**

**4. Дарсдан бўш вақтлари қайси фан ва спорт тўгаракларига қатнашади. Кутубхоналарга борадими?**

**5. Охирги марта қайси китобни совға қилгансиз?**

**6. Қайси бадиий асарни фарзандингиз билан муҳокама қилгансизлар?**

**7. Оила, маҳалла, коллеж ҳамкорлиги ҳақида қандай фикрдасиз?**

**8. Коллеждаги таълим-тарбия ишлари сизга маъқулми? Қандай таклифларингиз бор?**

**9. Гуруҳ раҳбари ва фан ўқитувчилари ҳақида фикрларингиз?**

Ота-оналар юқоридаги саволларга жавоб берадилар. Шундан сўнг улар билан дилдан суҳбат ўтказилади. Ана шундай самимий тарздаги очиқ савол-жавоблар орқали ўқитувчи ва ота-оналарнинг яқин ҳамкорлиги вужудга келиши табиийдир.

Шу ўринда битирувчи ўқувчи билан ўртоқларча, лекин жиддий муносабатда бўлиш керак, деб ҳисоблайман. Айниқса, ота-оналар билан қизларини эрта турмушга бермаслик, ўғил болаларни эса чет давлатларга ноқонуний ишлаш учун жўнатиб юбормаслик ҳақида келишиб олиш зарур. Ўқишни битирмасдан туриб, улар учун иш жойларини банд қилиш, тадбиркорлик билан шуғулланиши, мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш борасида ҳам суҳбатлашиш мақсадга мувофиқ.

Иш давримда айнан ана шу мавзуда семинар-йиғилиш ўтказилиши аҳамиятли бўлди. Йиғилишга маҳалла фуқаролар йиғинлари, ички ишлар бўлими ходимлари, туман ХТМФМТТЭ бўлими вакиллари таклиф этилгани учун натижаси кўнгилдагидек бўлди. Энг биринчи галда дарсларни сабабсиз қолдираётган ўқувчиларнинг давомати яхшиланди. Уларнинг одоб-ахлоқи, кийиниш маданияти, жамоат ишларидаги фаоллиги ортди.

Ўзим раҳбарлик қилаётган гуруҳдан беш нафар ўқувчини тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш мақсадида банкдан кредит олиш учун ҳужжатлар, бизнес режа тайёрлашга йўналтирдим ва ёрдам беришни ўз зиммамга олдим (бу борада тажрибамиз бор. Ўтган йили битирган ўқувчиларимиздан бир нечтаси имтиёзли кредит олиб, ўз бизнесини йўлга қўйган). Битирувчилар асаларичилик, тикувчилик, компьютер ва пайнет хизмати, чорвачилик бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга қарор қилишди. Шу масала юзасидан Миллий банк ва Микрокредит банкнинг Қўрғонтепа филиалига бориб, навбатга ёзилдик ва ҳужжатларни тайёрладик. Қолган ўқувчилар билан эса туманимиздаги корхона ва ташкилотлар, хусусий фирмалар билан уч томонлама шартнома тузиб, шу ерда амалиёт ўтаб, ишга жойлашишни йўлга қўйишни режалаштириб олдик.

Излаган имкон топади. Бунинг учун астойдил ҳаракат қилишимиз зарур. Ҳар бир коллежда бўлгани каби бизнинг таълим даргоҳимизда ҳам ўқитувчиларга 8-10 нафардан битирувчи ўқувчилар бириктирилади. Улар битирувчиларнинг бандлигини таъминлашга масъул бўладилар. Бу йил ташаббус билан чиқиб, ўзим раҳбарлик қилаётган битирувчи ўқувчилардан 30 нафарини муддатидан илгари, ҳали дипломни олмасдан туриб ишга жойлаштиришга ҳаракат қиламан. Бунда, албатта, ўқувчиларимизнинг ота-оналари қўллаб-қувватлашига таянаман.

Йиғилиш ва давра суҳбатларини шу тариқа ўтказиш фарзанд тарбияси, унинг келажаги учун ота-оналар масъулиятини оширишга хизмат қилади. Зеро, умр дафтаримизни шоҳ сатрларла безамоқчи эканмиз, бу борада нафақат устозлар, балки ота-она, маҳалла фаоллари ҳамкорликда ҳаракат қилсак, Ўзбекистондек гўзал диёр учун бебаҳо фарзандларни тарбиялаб етиштиришга ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Илтижо САРИМСОҚОВА,**
**Қўрғонтепа иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси**

# ТИЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ

## Жонли тил ва адабий тил

Тил ҳодисаларига баҳо берилар экан, "адабий тил", "жонли тил", "жонли нутқ" деган бирикмаларга кўп дуч келамиз. Жонли тил деганда, шубҳасиз, халқ тили, сўзлашув нутқи, шевалар назарда тутилади. Бирикмадаги *жонли* сўзининг маъносини қандай тушунмоқ керак? Бу сўз тилга нисбатан қўлланганда, унинг *тирик* маънодошига, *ўлик* антонимига боғланадиган жиҳати борми? "Албатта, бор" деювчилар бу гапни айтмасларидан олдин ўзларига "Унда "жонли тил"га зид қўйиладиган тил ифодасига мазкур сўзнинг антонимини боғлаб бўладими?" деган саволни бериб кўришлари лозимга ўхшайди. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да *жонли* сўзининг тилга нисбатан ишлатиладиган маъноси "ифодали, аниқ-равшан, тушунарли" дея изоҳланган. Яна таъкидлаш лозимки, луғатда *жонли* сўзининг ўнта маъноси берилган, демак, улардан биттаси бош маъно бўлса, қолганлари кўчма маъно сифатида мавжуд. Чунки сўзнинг бош маъноси битта бўлади. Кўчма маънолар эса бош маъно билан қайсидир даражада боғлиқ бўлиб, унинг бош маънодан узилиши омонимни вужудга келтирувчи ҳодисалардан биридир. *Жонли тил* бирикмасидаги *жонли* сўзининг юқоридаги маъносини луғатда изоҳланган "тириклик аломати бор, тирик" бош маъносидан айри ҳолда тушунтириб бўлмайди. Албатта, бош маъноларида *жонли* ва *тирик* сўзларини тенглаштириб, луғатда бирини иккинчисига ҳавола бериш асосида изоҳлаш тўғри эмас. Ҳавола қилиш уларнинг тенглигига ишора демакдир. Ахир, улар "теппа-тенг" бўлса, демак, бири ортиқча экан-да? Тилда эса ортиқча сўзга ўрин йўқ. Яхшиси, тилда ортиқча сўзнинг ўзи йўқ, дейиш тўғрироқ.

Гапнинг индаллосини айтганда, жонли тил деганда халқ тили назарда тутилади. (*Ёзувчиларни, халқнинг бой, жонли тилидан фойдаланиб, ижод аҳлларини шаблондан қочиб, ижодий изланиш ва интилишга чақиради.* А. Алиев, Жулқунбой сабоғи. *Санъаткор халқ ҳажвиясининг кулги, киноя, пичинг йўлларидан фойдаланиб, персонажларнинг жонли нутқини образли халқ тили ёрдамида беради.*) Халқ тили шевалардан бошқа қандайдир бир тил бўлиши мумкин эмас. Адабий тилнинг расмий, илмий услублардаги кўриниши жонли тилдан катта фарққа эга бўлиб, унинг асосий хусусиятларидан холи бўлади. Адабий тил, тилшунос Мустақим Мирзаев уқтирганидек, бамисоли халқ тили гулзоридан тайёрланган гулдаста. Бу қиёслашдан *жонли тил* ва *адабий тил* истилоҳларининг мақола ибтидосида келтирилган зид аниқловчиларга муносабати ойдинлашади. Тилшунослар Миразиз Миртожиев ва Низомиддин Маҳмудовнинг 1991 йили "Ёзувчи" нашриётида чоп этилган "Тил ва маданият" асарида атоқли тилшуносларимиздан бирининг мустабид тузум даврида ўзбек адабий тили шевалар ҳисобига бойиш босқичини босиб ўтди, энди у рус тили ҳисобига бойийди деган концепциясини танқид қилиш мақсадига бўйсундирилган фикрларидан ҳам адабий тилнинг жонли тил эмаслиги уқилади. Владимир Даль "Жонли рус тилининг изоҳли луғати"ни тузганда бежиз халқ тилини *"живой"* сўзи асосида стандартлашган адабий тилга зид қўймаган эди...

## Адабий тил ва бадиий тил

Ўзбек тили ҳам бошқа тиллар каби ранг-баранг нутқ турларидан иборат: шева нутқи, касбий нутқ, арготик нутқ, жаргоник нутқ, адабий нутқ, вулгар нутқ, варварий нутқ ва ҳоказо. Бадиий нутқ эса, адабий нутқнинг бир кўриниши бўлиб, номидан маълумки, у ўзбек тилининг бадиий услубига асосланган.

Олий, ўрта махсус ва умумий ўрта таълимнинг тилга оид дарсликларида тил қонуниятларини далиллар билан асослашда бадиий асарлардан олинган мисолларга таяниш анъанага айланган. Изоҳли луғатларда эса иллюстратив мисолларнинг кўпроғи адабий манбалардан олинади. Оддий, кундалик мулоқотда ишлатиладиган сўзларни тавсифлашда ҳам шундай йўл тутилади. Масалан, *автобус, автокачка, зоотехник, икс* сўзларининг маънолари изоҳи учун бадиий асардан олинган мисоллар берилган.

Адабий тилни бадиий тил билан айнанлаштиришга уринишлар асоссиз эмас. Туркий тилларда, хусусан, ўзбек туркийсида қадимдан, асосан, бадиий асарлар битиб келинган. Ўзбек тили тарихи ҳақида гап кетганда, далиллар фақат бадиий асарлардан олинган ва олинмоқда. Чунки илмий асарлар, расмий ҳужжатлар, диний асарларнинг аксарияти араб ва форс тилларида ёзилган. Бу анъана XX асргача давом этган. Ўтган асрда адабий тилнинг меъёрлаштирилишида ҳам бадиий асарлар асосий ўринни эгаллаган. Бу "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да қуйидагича изоҳланади: "Бадиий адабиёт намуналарига таяниб, луғатнинг лексик асоси — луғат картотекаси фондини тўлдириш ва бойитишга алоҳида эътибор берилди. Чунки тилнинг бойлиги ва меъёрлари, аввало, сўз усталарининг асарларида акс этади, сайқал топади". Бу — масаланинг биринчи томони.

Иккинчидан, изоҳли луғатларни, асосан, филологлар тузади. Филологлар эса, истаймизми-йўқми, кўпроқ бадиий манбалардан далиллар топишга мойил бўладилар. Тил бўйича дарслик ва қўлланмалар муаллифлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Қолаверса, бадиий асарлар ўқишлироқ бўлиб, тафаккурга ортиқча юк бўлмайди. Илмий ва расмий услубда ёзилган асарларнинг ўқилиши оғирроқ, улардан келтириладиган мисоллар сўзларнинг асосан бош маъноларини далиллай олади. Бадиий асарларда эса барча маъноларга мос келадиган мисолларни топиш мумкин.

Сўзлашув нутқига доир мисолларда манба келтириш муаммоси мавжуд бўлиши билан бирга, улар адабий тилнинг стандартлаштирилган (стандартлашган) қолип, қоида ва қонуниятларига мос келмаслиги эътиборга олинади.

Таъкидлаш ўринлики, луғатларимиз "ўзбек тилининг бутун сўз бойлигини эмас, балки ҳозирги замон ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлашни ўзига мақсад қилиб қўяр экан", бундаги "ҳозирги замон ўзбек тили" ифодасини "ҳозирги замон адабий ўзбек тили" тарзида тушунмоқ керак. Лекин "адабий ўзбек тили" тушунчаси иллюстратив мисоллар асосида "ўзбек бадиий тили" маъносида уқилмаслиги лозим.

## Адабий тил манбалари

Тилнинг бойиш манбалари ва адабий тилнинг бойиш манбалари муайян даражада фарқланади. Тилнинг бойиш манбалари сифатида ички ва ташқи манбалар ажратилади. Ташқи манба деганда, кўпчиликка маълумки, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш тушунилади. Ички манба сифатида янги сўзларнинг ясалишини англамоқ лозим.

Тилда ўзак ҳолида янги сўз пайдо бўлиш даври аллақачон ўтган.

Янги сўзларнинг асоси ўзлашма қатламга ёки ўз қатламга оид бўлиши мумкин. Масалан, *пайнетчи, компьютерли, серверхона* сўзларининг асоси ўзлашма қатламга оид. Бу сўзлар ўзбек адабий тилининг изоҳли луғатидан ўрин олмаган бўлсада, жонли халқ тилида тез-тез учраб туради. *Қуртчи, таниқлик, тушунарсиз* каби сўзларнинг асоси ўз қатламга оид, аммо улар адабий тил изоҳли луғатидан ўрин олмаган.

Адабий тил(нутқ)нинг бойиш манбалари ҳам икки хил: ички манба ва ташқи манба. Ташқи манба адабий тил ва умумхалқ тилида бирдай бўлиб, ўзлашган сўзларнинг айримлари адабий тилдан ўрин олса, бошқалари адабий тилга кирмасдан, умумхалқ тилида қолаверади. Адабий тил учун ички манба янги сўз ясаш ва шевалардан сўз ўзлаштиришдир.

Анъанавий дарслик ва қўлланмаларда ўзбек адабий тили учун Тошкент—Фарғона шевалари фонетик ва морфологик жиҳатдан асос қилиб олинганлиги таъкидланади. Бу ўзбек адабий тили энди меъёрга солинаётган, унинг қонун-қоидалари ишлаб чиқилаётган пайтлари, ўзбек тилининг барча шевалари ўрганилмаган замонлардаги ҳукмдир. Чунки, масалан, Ўзбекистондаги бошқа кўплаб шеваларнинг ҳам морфологик хусусиятлари адабий тилнинг меъёрларига тўғри келиши бугунги кунда фанга маълум.

Адабий тил меъёрларини белгилаш деганда кўп ҳолларда негадир унинг лексикасига қайси шева ёки лаҳжалар асос қилиб олинганлиги айтилмайди. Ҳолбуки, ўзбек тилининг 5 жилдли изоҳли луғатида унинг адабий тил меъёрларини белгилашдаги мавқеи алоҳида уқтирилади: "... луғатнинг асосий вазифаси ҳозирги ўзбек адабий тилининг сўз бойлигини тўплаш ва тавсифлаш билан бирга унинг меъёрларини белгилаш ва барқарорлаштиришдан иборатдир. Айни замонда у нутқ маданиятининг юксалишига ҳам хизмат қилади"(1-жилд). Демак, адабий ўзбек тилининг шева асослари ҳақида гапирганда, лексик меъёрларни белгилаш тартиби ва қонуниятлари борасида ҳам гапириш лозим бўлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ўзбек тилини авайлаб-асраш ва бойитиш бугунги долзарб вазифалардан эканлиги айтилган. Демак, ўзбек адабий тилини бойитиш умумхалқ тилини авайлаб-асраш ҳам демакдир. Масалан, халқ шеваларидаги кўплаб сўзлар адабий тилдан ўрин олишга ҳақли. Чунки адабий тилда бу сўзлар берадиган маъноларни ифодалайдиган сўзлар йўқ ёки унга тўла муқобил бўла олмайди. Масалан, қипчоқ шеваларида итнинг эркаги *арлон* дейилади. "Бас дегунча" маъносини берадиган *дабисқимоқ* феъли ҳам ушбу шеваларда учрайди. Бу сўз Хоразмийнинг "Муҳаббатнома"сида ҳам бор: *Дабисқинча ғазал нўш қилди*. Ушбу сўзлар адабий тил луғатларига киритилиши лозим. Чунки адабий тилда уларнинг ўрни ҳануз бўш.

Луғатларда *жимирламоқ* ва *жимилламоқ* сўзлари айнан бир хил деб берилади. Лекин, масалан, инсон танасидан жимиллаб ва жимирлаб оқаётган тер анча фарқ қилади. *Жимилламоқ* феълида ифода бўёғи ҳам "ўткирроқ". Тегишли шеваларда улар фарқланган ҳолда қўлланади. Халқ оғзаки ижодида бунга мисоллар жуда кўп.

Филология фанлари номзоди Жўра Маматовнинг "Тил ва адабиёт таълими" журнали(2012 йил, 12-сон)да "Ўзбекнинг ўз сўзлари" мавзуидаги мақоласида ана шундай "ўзбек халқи тилида мавжуд, ота-боболаримиз қўллаган, аммо луғатларда ўз аксини топмаган сўзлар" ҳақида маълумот берилди. *Ғайноли, қўмақай, қўтонламоқ, қўзиқуйруқ, назир, овут, оёқламоқ, ойтовоқ, оллон, саватбош, сайрон, симён, сиринди* каби сўзлар шулар жумласидан. Олим таъкидлаганидек, "ўзбек адабий тили лексик жиҳатдан ҳам ўғуз, ҳам қипчоқ, ҳам қарлуқ лаҳжалари негизида шаклланган" экан, адабий тилни бойитишнинг ушбу усулини янада кучайтирмоқ лозим. Бу, биринчидан, адабий тилни бойитиш учун хизмат қилса, иккинчи томондан, она тилимизни авайлаб-асраш демакдир. Бу — миллий маънавиятни авайлаб-асрашнинг асосий шаклларидан бири.

Хуллас, адабий тилнинг бўёқдор, оҳорли сўзларни берувчи манбаи — шевалар. Бу манбани адабий тилни бойитиш нуқтаи назаридан тадқиқ этиш жуда ҳам долзарб.

## Ажиб тилнинг "ғаройиб" қоидалари

Яқинда филология фанлари доктори, профессор Миразиз Миртожиевнинг "Ўзбек тили фонетикаси" китоби нашрдан чиқди. Китобда олим фонетик экспериментларга таянган ҳолда, ўзбек тилининг ўз ички хусусиятларини кузатиб, тилшунослигимизда ҳукм суриб келган бир қанча ғайриилмий ва сохта қарашларни ағдар-тўнтар қилиб юборадиган хулосаларга келди. Улардан айримларини баён этамиз.

Она тили дарсларида сўзнинг урғусига доир мавзу ўтилганда ҳар доим бир қоида бот-бот уқтирилади: "Сўз бўғинларидан бирининг бошқасига нисбатан кучлироқ айтилиши урғу дейилади". Бу қоида дарсликлардан дарсликларга кўчиб юрибди. Лекин М. Миртожиев кузатишлар асосида шундай хулосага келдики, ўзбекча сўзлар бўғинлари кучи асосида ўзаро кам фарқланиб, асосий тафовут урғу тушган бўғиннинг чўзиқлигида экан. Ўзбек тилида урғу тушган бўғин чўзиқ, рус тилида эса кучли талаффуз қилинар экан. Шунинг учун ўзбекона сўз урғуси чўзиқлик урғуси эканлиги билан рус тилига хос динамик урғудан фарқланади. Олим ўзбек тилидаги урғунинг анъанавий қоидаси ўзга тил қонуниятининг тилимизга кўр-кўрона кўчирилиши оқибатида юзага келганлигига таяниб, мазкур қоидани "сўз бўғинларидан бирининг бошқасига нисбатан чўзиқроқ айтилиши урғу дейилади" тарзида ислоҳ этиш учун илмий асос яратди.

Миразиз Миртожиев ўзбек тилида сўз урғусига доир яна бир масалага ойдинлик киритди. Шу вақтгача ўзбек тилининг хусусиятларидан бири урғунинг сўз охиридаги бўғинга тушиши деб ҳисобланар эди. Устоз фонетик экспериментлар ўтказиб, бу қоиданинг илмий асоссиз эканлигини исботлади. Тажрибалар шуни кўрсатдики, деб ёзади олим, ўзбек сўзларидаги чўзиқлик аксарият ҳолларда биринчи бўғинга хос экан. Демак, мавжуд қоидага ҳам ўзбек тилининг ички хусусияти асосида тузатиш киритиш лозим.

Жорий дарслик ва қўлланмаларда "унли товушлар ўпкадан чиқаётган ҳавонинг товуш пайчаларига урилишидан ҳосил бўлган овоз оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамасдан ўтиши натижасида ҳосил бўлади" дейилади. Профессор М. Миртожиев агар овоз оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамаса, унда ҳамма унлилар бир унли бўлиб қолар эди деган аксиоматик фикрни айтадики, уни бир лингвистик кашфиёт сифатида баҳолаш мумкин.

Умуман олганда, олимнинг китоби ўзбек миллий фонетик таълимотида катта воқеа бўлди.

## Тил тилшунослик дегани эмас

Маълумки, инсон учун энг муҳим нарсалар қуйидагича даражаланади: ҳаво, сув, егулик, тил, мактаб. Қаторда тилдан олдинги уч нарса (ҳаво, сув, егулик) барча тирик мавжудотга хос. Инсонни ҳайвондан ажратган тил эса кишилар ва авлодлар орасидаги алоқани таъминлайди, тафаккурни шакллантиради ва ривожлантиради, маънавиятни тарбиялайди ва юксалтиради, олам ҳақидаги билимларни сақлайди ва бойитади. Шу билан боғлиқ равишда она тили таълими тил қурилиши бўйича билим бериш, ижодий тафаккурни шакллантириш, маънавиятни юксалтириш, тил имконияти билан қуроллантириш, мулоқот маданиятини ўстириш каби вазифаларни бажаради. Бугунги кунда бу вазифалар сирасида тил қурилиши бўйича билим бериш асосий ўринни эгаллайди. Лекин она тили таълимининг бош мақсади ўқувчиларнинг ижодий тафаккурини юксалтириш, тафаккур маҳсулини оғзаки ва ёзма шаклларда нутқ шароитига мос равишда тўғри ва равон ифодалаш кўникмасини шакллантириш дея белгиланган. Чунки умумий ўрта таълимнинг V—IX синфларида ўқувчиларнинг руҳий-физиологик ҳолати ўзига хос бўлиб, уларда ижодийлик, ўзлаштирилган билими, эгаллаган кўникма ва малакаси асосида ижод қилиш, яъни яратиш, бунёд этишга, янгилик ва ғайриоддийликка қизиқиш кучаяди.

Эътибор қилинса, бошланғич синф партасидан то лицей ва коллежни тугатгунча ўқувчиларимиз асосан тил қурилиши бўйича, яъни тилшуносликдан билим олади. Масалан, амалдаги она тили дарсликларидан бирида жами 79 мавзу берилган: 71 мавзу тил қурилишига, 8таси матн тузишга доир. Демак, унинг тахминан 10 фоизи матн тузиш малакасини ўстиришга, 90 фоизи тил қурилиши бўйича билим беришга мўлжалланган. Мақсад нима? Лисоний тафаккурни ўстиришми ёки лисоншунослик тафаккурини ривожлантириш? Тилдан фойдаланиш малакасини ўстиришми ёки тилшунос тайёрлаш? Шу синфда ўқувчи янги 78 лингвистик қоидани, 61 термин маъносини ўзлаштириши керак. Хўш, бизга бу яроқсиз анъана қаердан келиб қолди?!

Ўтган асрнинг ярмигача жамиятда ҳали адабий тил меъёрлари ўрнашмаган бир пайтда жамият аъзоларини у билан қуроллантириш зарурати илк мактаб партасидан то уни тугатгунча тил қурилишини ўқитишни тақозо қилган. Зеро, адабий тилни сингдиришнинг энг асосий йўли тил қурилишига доир билимлар билан қуроллантиришдир. Бироқ асрнинг иккинчи ярмида адабий тил қўлланиши шарт бўлган барча соҳалар(таълим, иш юритиш, матбуот, ноширлик, радио ва телевидение...)да у тўла ўрнашиб бўлгандан кейин бу зарурат анъана кўринишини олди. Диққат қилинса, бугунги она тили таълими фақат лингвистик такрорийликдан иборат. Бошланғич синфдаги лингвистик маълумотлар таянч синфларда чуқур, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида янада чуқурроқ қилиб, уч марта қайтариб ўқилади. Бу такрорийлик ҳам вақт, ҳам маблағ жиҳатидан қанчалар қимматга тушаётганлигини ўйлаб кўриш керак. Ҳолбуки, янги даврда она тили дарслари фақат адабий тил таълими билан чекланиб қолиши мумкин эмас. Менингча, амалдаги она тили таълимини давр талабларидан келиб чиқиб тубдан ислоҳ этиш зарур. Она тили дарслари "совуқ" тилшунослик эмас, балки том маънодаги жонли ва гўзал тил сабоқларига, сўзшуносликка, маданий нутқ, маданий мулоқот машғулотларига айланмоғи лозим.

Янги давр масалага янгича ёндашувни тақозо этади. Маълумки, ҳар қандай молиялаш унинг қандай самара бериши кўзланган ҳолда амалга оширилади. Хўш, бугунги кунда она тили таълимининг самараси ўқувчининг олган лингвистик билимими ёки она тили имкониятларини эгаллаш ва мустақил тафаккурининг ўсиш даражасими?

Она тили таълими жараёнида асосий диққатни ўқувчининг сўз бойлигини ошириш, сўзларнинг маъно нозикликлари, фарқ ва ўхшашликларини ҳис этиш, англаб етиш, бехато талаффуз қилиш, ёзиш, сўзларни боғлаб гап, гаплардан эса матн туза олиш, бирикмалардаги маъновий ва грамматик, матндаги мантиқий хатоликларни топиш, тузатиш, ўзгалар фикрини тўғри англаш, бир фикрни турли шаклда ифодалаш, узилган фикрнинг давомини тиклаш каби бир қанча мантиқий операцияларни бажариш, нутқ вазиятини тўғри баҳолаш, тил имкониятларидан унга мос равишда фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, малакасини ўстиришга қаратиш зарур. Ўқувчига мана шу амалиёт учун керак бўлган айрим фонетик, лексик ва грамматик қоидаларнигина бериш, фикрни ифодалаш, англашнинг турли механизм ва усулларини, уларни турли нутқ шароитига мос равишда қўллаш йўлларини тавсия этиш, бунга асосланган машқ, топшириқлар системасини ишлаб чиқиш, нотиқлик, маданий нутқ машғулотларига эътиборни кучайтириш зарур. Демак, том маънодаги замонавий таълимда тилшуносликнинг илмий масалаларига доир қоидалар кескин қисқартирилиб, унча чуқурлаштирилмаган лингвистик маълумотлар тафаккур, нутқ ўстириш амалиёти "сояси"да бўлиши, унга хизмат қилиши, ўқувчининг мияси зинҳор самарасиз лингвистик қоида, идроки тил қурилишига доир машқлар билан банд этилмаслиги мақсадга мувофиқ.

Хуллас, давр она тили дарсликларидан ёшларимизга тил қурилиши ҳақидаги билимни эмас, балки том маънода она тили имкониятини эгаллаш механизм ва усулларини беришни тақозо этмоқда.

## Тил корпуси — тил хазинаси

Тил корпуси қидирув дастурига бўйсундирилган, муайян бир тилга оид матнлар мажмуи бўлиб, у ўн миллиондан юз миллионгача, ҳатто миллиардлаб сўз қўлланишларини ўз ичига олади. Тилнинг мукаммал корпусларида тил пайдо бўлгандан буён ҳозирги кунгача яратилган барча ёзма, оғзаки(аудио, видео) матнлар жойлаштирилади. Муайян тил бўйича барча луғатлар жамланган ҳолда ҳам мукаммал тузилган корпусларга тенглаша олмайди. Чунки у тинимсиз янгиланиб бориш имкониятига эгалиги, кенг қамровлилиги ва фойдаланишда қулайлиги билан характерланади.

Корпусда барча нутқ услубларига, тилнинг турли даврига, турли шеваларига хос матнлар ўз аксини топади. Таркибидаги матнларнинг кенг қамровлилиги туфайли у тилнинг ҳар қандай луғати назаридан четда қолган энг кичик, кам учрайдиган далилларни ҳам қидирувчига ниҳоятда қисқа муддат ичида тақдим эта олади.

Тил корпуси икки қисм – матнлар майдони ва корпус менежери(махсус қидирув системаси)дан иборат бўлади.

Тил корпуси луғатлардан фарқли равишда сўзларнинг қўлланиш частотаси, тилларнинг ривожланиш, ўзгариш даражасини ҳатто ҳар бир сўзнинг қўлланиши мисолида ҳам аниқлаб бера олади. Корпус асосида тилнинг тадрижий тараққиёти ҳақида ҳам тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мумкин. Умуман, корпусда тилдаги ҳар қандай сўзнинг барча хусусиятлари ҳақида аниқ, ишончли далилланган маълумотларни топиш имконияти мавжуд бўлади.

Корпус матнлари оддий электрон кутубхоналардан ўзининг қидирув дастурига бўйсундирилганлиги билан фарқланади. Қидирув дастурининг мукаммаллиги тил корпусидан фойдаланиш самарадорлигини белгилайди.

Тил корпуси интернет системасида фаолият кўрсатганлиги сабабли катта иқтисодий самара ҳам беради. Узлуксиз янгилаб, такомиллаштириб борилганлиги туфайли ҳар доим жамият талабларига мос, эскириш хусусиятидан холи бўлади. Корпус лингвистикаси эса тилшунослигимиздаги бошқа йўналишлардан фарқли равишда бевосита иқтисодий самарадор йўналиш сифатида фаолият юритади.

Миллий корпус миллий тил хазинаси демакдир. Ундан лингвистлар, лексикографлар, компьютер лингвистлари, муҳаррирлар, таржимонлар, журналистлар, ноширлар, олимлар, ўқитувчилар, таълим олувчилар ва бошқа ҳар қандай соҳа мутахассиси кенг фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланишда деярли касбий табақаланишга йўл қўймайдиган тил корпуслари, аввало, тилшунослар учун чинакам хазинадир. Тилнинг муайян давридаги ҳолати тарихчиларни ҳам, этнографларни ҳам, адабиётшуносларни ҳам – умуман, барча гуманитар фан соҳаси вакилларини бирдай қизиқтириши табиий. Айниқса, она тили ва чет тилларини ўқитиш, ўрганиш борасида корпусларнинг аҳамияти беқиёс. Бугунги кунда дунё миқёсида тил ўргатиш системаси корпусларга йўналтирилаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Шунинг учун таълим корпуслари, шева матнлари корпуслари, поэтик матнлар корпуслари, оғзаки, илмий, расмий матнлар корпуслари каби микрокорпусларнинг тузилаётганлиги аҳамиятлидир.

*Millat mulki*

Дунё миқёсида тилларнинг корпусларини яратиш жадал тус олмоқда. Ҳатто тилшуносликнинг корпус тузишнинг назарий ва амалий масалалари билан шуғулланадиган "Корпус лингвистикаси" деб номланган иқтисодий самарадор йўналиши шаклланди ва тез суръатлар билан тараққий этмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида "Британия Миллий корпуси"(British National corpus) кенг оммалашди ва яратилаётган бошқа корпуслар ҳам унга йўналтирилмоқда. Айниқса, славян тиллари бўйича Прагада яратилган "Чех Миллий корпуси"нинг нуфузи кундан-кун ошиб бормоқда. Бундай фикрларни яратилаётган "Испан тили корпуси"(тарихий) (100 млн сўз, XIII–XX асрлар матнлари асосида), "Замонавий дат тили корпуси"(50 млн сўз, 1998–2002 йиллар матнлари асосида), "Замонавий италян тили корпуси(100 млн сўз), "Замонавий хитой тили корпуси"(720 млн сўз, 150 млн иероглиф), "Немис тилининг Маннҳейм корпуси" (1610 млн сўз), "Словен тилининг миллий корпуси(100 млн сўз) кабиларга нисбатан ҳам айтиш мумкин.

XXI аср глобаллашув асри эканлиги тил корпуслари яратиш масаласида ҳам яққол кўзга ташланади. Хусусан, дунё миллий тил корпусларининг "Британия Миллий корпуси" системасига йўналтирилаётганлиги фикримизнинг далилидир. Тил корпусларининг интернет ички тўри сифатида дунё тилларини қамраб олиши мўлжалланмоқда. Шу тарзда глобал корпуслар тўри яратилади. Чунончи, бир тил корпусига кирган киши бемалол у орқали бутун дунё тиллари корпусларини айланиб чиқиш имкониятига эга бўлади.

Ўзбек тили дунёнинг ривожланган тиллари қаторида туради. Лекин тилимизнинг ички имкониятлари ахборот технологиялари системасида етарли даражада ишга солинган деб бўлмайди. Буни тил корпуси яратилмаганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин. Умуман, тараққиётнинг бугунги шиддатли суръати бошқа тиллар қатори ўзбек тилининг ҳам миллий корпусини яратишни кучли тақозо қилмоқда.

***

Тил — беқиёс ва бебаҳо хазина. Бу хазинадан унумли, оқилона фойдаланиш механизмларини таълим, тил амалиётига сингдириш, миллат руҳиятини ўзида акс эттирган жонли халқ тилини чинакам маънавий тарбия мағзига луғатларни, она тили бўйича дарслик ва қўлланмаларни тўла маънода жонли тилни тарғиб қилувчи воситаларга айлантиришимиз лозим.

**Бахтиёр МЕНГЛИЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

# АЛОҲИДА ЁРДАМГА МУҲТОЖ БОЛА

## *унинг шахси қандай шакллантирилади?*

*Maxsus ta'lim*

Нутқи, интеллекти ва жисмоний ривожланишида камчилиги бор болада мулоқот тажрибаси кам бўлади. Натижада атрофдагилар билан муносабати қийинлашади, ўзига ишонч ҳисси йўқолади. Шу боис, алоҳида ёрдамга муҳтож болалар таълим-тарбияси жисмоний ва руҳий камчиликларни бартараф этиш, мустақил ҳаётга тайёрлаш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилади. Болада соғлом турмуш тарзига риоя этиш, саломатлигини асраш ва бошқа мустақил ҳаётий кўникмаларни шакллантириш ўқитувчи-дефектологлар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ногирон болага таълим-тарбия бериш мураккаб жараён бўлиб, комплекс тарзда амалга оширилади. Ногиронликка олиб келган, шикастланган органни аниқлаш масаласи тиббиёт ташкилотларининг, ногиронликни экспертиза қилиш тиббий меҳнат комиссиясининг, психологик-педагогик коррекция, таълим олиш ва касбга тайёрлаш эса махсус таълимнинг вазифасига киради.

Ногирон болаларни тарбиялаш учун республикамизда барча шарт-шароит яратилган. Таълим-тарбия ишлари дунё тенденцияларига мос, ягона таълим муҳитини яратишга, умумий ҳамда махсус таълим ҳамкорлигига йўналтирилган. Шунингдек, ногирон болалар ва уларнинг оилаларини ўрганиш асосида махсус мактабгача таълим муассасалари, мактаб-интернатлар, умумтаълим мактаблари, коррекцион-ривожланиш синфлари негизида коррекцион-логопедик ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Ногирон болаларни уй шароитида ўқитишда ота-оналар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳар қандай тарбияга оилада асос солинади. Яъни **ота-она бола ҳаётидаги илк тарбиячилардир.** Оилавий тарбия ижтимоий тарбиянинг бир қисми бўлиб, боланинг ижтимоий, эмоционал, ҳулқий ва бошқа сифатларининг шаклланишига илк пойдевор қўяди. Шахснинг ахлоқий, маънавий ва ижтимоий тикланишига таъсир этувчи омиллар орасида оиланинг ролини ҳеч бир ижтимоий институт фаолияти билан қиёслаб бўлмайди. Зеро, инсоннинг шаклланиши оила аъзолари билан мулоқот жараёни уйғунлигида амалга ошади. Шу боис оиладаги бир кишида юз берган жисмоний ё психологик ўзгариш бошқаларига ҳам таъсир этади. Бирор нуқсони бор фарзанд дунёга келса, бутун оиланинг кундалик ҳаёти, психик ҳолати, ташқи муҳит билан алоқаси ўзгаради. Таъкидлашни истардикки, психологик жиҳатдан хотиржам оилада тарбияланаётган алоҳида ёрдамга муҳтож боланинг жамоага мослашиб кетиши осон бўлади.

Ногирон фарзандни тарбиялаш мураккаб ва масъулиятли ишдир. Бунда йўл қўйилган хатолар боланинг саломатлиги, кайфияти ва ривожланишида салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, ривожланишдан орқада қолишни "улғайган сари ўз-ўзидан йўқолиб кетади" деб тушуниш бола аҳволининг янада ёмонлашувига олиб келади. Имкониятларни тўғри баҳоламаслик эса йиғлоқилик ва инжиқликни келтириб чиқаради. Ота-оналарда педагогик билимларнинг етишмаслиги ва жисмоний жазолашга мойиллик натижасида болада тушкун кайфият, ўзига паст баҳо бериш, ишончсизлик ҳислари пайдо бўлади. Жамиятдан ажраб қолиш эса ваҳима, қўрқув, хавотир уйғотади. Ортиқча меҳрибонлик кўрсатиш ҳам ижтимоий мослашувга ҳалақит беради. Баъзан ота-она шифокорга нафақат ташхис хулосаси, балки вазият қанчалик жиддийлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш учун ҳам мурожаат этади: бир мутахассисдан иккинчисига қатнай бошлайди. Оқибатда бола билан шуғулланилиши керак бўлган вақт бой берилади ва бу ривожланишдаги иккиламчи сусайишларга олиб келади. Касаллигини рўкач қилавериш руҳидаги тарбия натижасида боланинг жисмоний ривожланиши ҳамда оиланинг психологик муҳити салбий томонга оғади. Ўз вақтида тизимли махсус машғулотларга эътибор қаратмаслик оқибатида тиббий муолажалар кутилган натижани бермайди. Зеро, алоҳида ёрдамга муҳтож болаларни даволаш кўпроқ педагогик-психологик тадбирлар мажмуига боғлиқ.

Оиладаги махсус таълимнинг ўзига хослиги шундаки, бола ота-онасидан ажратилмаган ҳолда ягона педагогик муҳитга мослаштирилади. Айниқса, бу соғлиғи туфайли имконияти чекланган болалар учун аҳамиятлидир. Чунки реабилитация боланинг ижтимоий ривожланиши учун шароит яратиб бераётган ота-она ва мутахассислар(шифокор, педагог, дефектолог, психолог)нинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида амалга ошади.

Баъзан ногирон бола то вояга етмагунича ўз ҳолатига тўғри баҳо бера олмайди, нуқсонларига атрофдагилардек назар ташламайди. Бу ҳам яхши, ҳам ёмон. Яхши жиҳати – фарзанд ўзини табиий тутади, ишонувчан ва самимий бўлади, бошқалар билан мулоқотга киришишдан қувонади. Ўйин ва мулоқот давомида ақлан, маънан, ҳиссий ва жисмоний жиҳатдан фаол ривожланади, одамлар орасида яшашга ўрганади ва ўз ёшига мос тажриба орттиради. Аммо оилада ортиқча эътибор, меъёридан ортиқ эркалаш, турли қийинчиликлардан аяш бола шахсига шикаст етказади. Оилада тўғри ташкил қилинган тарбия нуқсонли ўғил-қизларнинг маънавий ва ахлоқий хислатларини, ижобий тушунчаларини, дунёқарашини шакллантиради, ўз вазифасига тўғри муносабатда бўлишга ўргатади. Шу боис алоҳида ёрдамга муҳтож бола шахсини шакллантиришда ота-оналарга қуйидаги тавсияларни бермоқчимиз:

— **Бола яхши кўришингизни ҳис қилиши керак.** Уни суйиб эркаланг, қучоқланг, бошини силаб қўйинг. Ўшанда меҳр-муҳаббатингизга яна бир бор ишонч ҳосил қилади.

— **Фарзандингизнинг ўйнашига имкон беринг.** Мактаб ёшигача бўлган боланинг асосий машғулоти ўйиндир. Фарзандингиз нимага интилса ва сиз унда нималарни ривожлантиришни хоҳласангиз, бола ўйнаб туриб бажариши зарур. У ўйинларни ўз фаоллиги ва кайфиятидан келиб чиқиб танлаши лозим. Ўйиннинг ижобий руҳда ўтишига диққат қилинг, бу қутилаётган эффектни оширади, таассуротларнинг хотирада узоқ вақт сақланишига ёрдам беради.

— **Жисмоний кўникмаларни яхшироқ эгаллаши учун вазифани кичик бўлакларга ажратиб беринг.** Муҳими, энг осон топшириқдан бошланг ва астасекин мураккаблаштириб боринг.

— **Фарзандингиз эришаётган натижалардан завқланинг ва уни мақтаб қўйинг.** Агар бирор ишни эплай олмаса, ташвишланманг. Бир неча марта такрорлаганидан сўнг, албатта, зарур кўникмаларни эгаллайди. Шу боис бағрикенг, сабр-тоқатли бўлинг. Фарзандингиз хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб туринг.

Ниҳоят, **фарзандингиз учун қанчалик қадрли эканингизни унутманг.** Руҳан ва жисмонан тетик бўлишга интилинг. Агарда боладаги нуқсонларни тўлиқ тузатиш имкони бўлмаса, энг маъқул йўл — шу ҳолда ҳам тўлақонли, фаол ва мустақил ҳаёт кечиришга ҳамда завқланиб яшашга ўргатишдир. Зеро, сиздан бошқа ҳеч ким буни уддалай олмайди.

**Республика таълим марказининг махсус таълим бўлими**

# ТАБИИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ЛАЁҚАТ

**Психологияда лаёқатлилик тушунчаси инсон фаолиятининг маҳсули сифатида таърифланади. Бир вақтнинг ўзида у илмий, ҳам оммавий тушунчадир. Олимлар лаёқатни икки турга бўлиб ўрганишади. Биринчиси — табиий лаёқат ота-онадан наслий ўтади. У илк болалик даврданоқ намоён бўлади.**

Бола уч ёшда етарлича фаол ва атрофдагиларга тушунарли хатти-ҳаракатларни амалга оширади. Унда ҳулқ-атворнинг энг оддий шакллари, характер ва темперамент хусусиятлари бўй кўрсатади. Шу билан бирга, болада фаол нуқт шаклланади. Бир ярим ёшгача бола нутқида 30—40тадан 100тагача, иккинчи йил охирида 300тагача, учинчи йил охирида эса 1500тагача сўз ишлата бошлайди. Фаол нутқнинг шаклланиши болада бутун психологик ривожланиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу даврда болаларда мусиқа, рассомлик, математика, техника соҳаларига қизиқиш намоён бўлади. Адабиёт, илм ҳамда ташкилотчиликка хос лаёқатлар кечроқ сезилади. Иккинчиси — ижтимоий лаёқат бола туғилиши билан уни ўраб турган муҳитга боғлиқ равишда шаклланади. Гениал рассом оиласида дунёга келган болада тасвирий санъатга лаёқат кучли бўлади. Сабаби, генетик белгилар отасидан ўтган. Мусиқашунос она эса фарзандининг рассом эмас, балки ўзига ўхшаган санъаткор бўлишини хоҳлайди. Аёл болани ёшликдан фақат мусиқа муҳитида тарбиялайди. Унинг туғма лаёқати ривожи учун керакли шароит яратилмайди. Ижтимоий лаёқат эса болани оддийгина қўшиқчи даражасига олиб чиқади, холос. Шу боис ота-она аввал фарзандидаги туғма лаёқатни илғаши, сўнг уни ривожлантиришга ҳаракат қилиши керак.

Бугун ёш ота-оналар фарзандининг талабларини сўзсиз бажаришга ҳаракат қилмоқда. Лекин боланинг фақат эҳтиёжларини қондириш эмас, қобилиятини ривожлантиришга ҳам эътибор қаратиш лозимки, бу унинг ёруғ келажагини таъминлайди.

**Ойбек ДАВЛАТОВ,**
**ЎЗДСМИ ўқитувчиси**

**Юртимиз олий таълим муассасаларида яратилаётган кенг имкониятлар талаба-ёшларнинг пухта билим олиб етук мутахассис сифатида шаклланиши, илм-фан, санъат ва спорт йўналишларида юксак марраларни эгаллашига замин яратмоқда. Тошкент архитектура-қурилиш институтида ҳам талабалар шароитлардан унумли фойдаланиб илм-фан чўққиларини забт этишга интилишмоқда.**

**Институтнинг муҳандислик-қурилиш инфраструктураси факультетида бугунги кунда бакалавр ва магистрларга юксак салоҳиятли профессор-ўқитувчилар таълим бериб келмоқда.**

# ИЛМ ОЛИШГА ИШТИЁҚМАНД ЁШЛАР

— Талабаларимизнинг билим олишга бўлган кучли иштиёқи ўқитувчи-мураббийларимизни янада ғайрат билан ишлашга ундамоқда, — дейди факультет деканининг ўқув ишлари бўйича муовини Дилафрўз Тоғаева. — Бакалавр ва магистратура босқичида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларимиз кўплаб лойиҳалар, кўрик-танловларда ўз салоҳиятларини намоён этиб келишмоқда. Жумладан, ҳунармандлар оиласида камолга етган 1-босқич талабаси Ислом Юсупов миллий ҳунармандчилик йўналиши бўйича «Ташаббус» кўрик-танловида ҳам фаол иштирок этган. Факультетда мавжуд 5та кафедрада уч йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади. Ҳар бир кафедрада замонавий мультимедиа хоналари ташкил этилган бўлиб, дарслар янги педагогик технологиялар асосида олиб борилади.

Талабаларимиз дарсдан бўш вақтларини ҳам мазмунли ўтказишади. Кўриб турганингиз мана бу кубоклар уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишидан дарак беради. Аксарияти эса лойиҳалаш институтларида амалий билимларини мустаҳкамлашга интилади.

Олтин даврининг асосий қисмини илм ўрганиш, санъат ва спортга дўст тутиниш орқали мазмунли ўтказаётган бу талабаларнинг етук мутахассис сифатида жамиятга кириб боришига шубҳа йўқ.

**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**

# ГИЁҲВАНДЛИК — КУЛФАТ

## *унинг олдини олиш барчамизнинг ҳамжиҳатликдаги саъй-ҳаракатимизга боғлиқ*

***Андишали халқмиз. Ҳар бир нарсани содда қилиб тушунтиришга одатланганмиз. Ҳатто ёшларга иллатлар ҳақида гапирганда ҳам "Бундай қилманглар, ёмон бўлади", дейиш билан кифояланамиз. Ҳолбуки, ёшлар билан иллатлар зарари ҳақида суҳбат қурганда, улар келтирадиган офат, балои қазонинг бутун кўламини очиқ-ойдин тушунтириб беришимиз керак.***

***Хусусан, "Гиёҳвандлик – ёмон иллат" дейиш кам. Бундай гаплардан ёшлар гиёҳвандликнинг инсон учун, оила учун, жамият учун ўта хавфли эканини ҳар доим ҳам тушунавермайди. Шу боис кишини муқаррар ҳалокатга етаклашини ҳаётий мисоллар асосида тушунтириш мақсадга мувофиқ.***

Дарҳақиқат, гиёҳвандлик умрни кескин қисқартиради. Чунки қабул қилинган гиёҳванд модда узоқ вақт ёғ тўқималарида сақланиб қолади ва қон орқали организмни заҳарлашга киришади. Энг хавфлиси, одамда уни яна қабул қилиш истагини уйғотади. Шу боис дунёда ҳали бирор гиёҳванд "Мен гиёҳванд моддани татиб кўрдим, кўрқинчли нарса эмас экан", деб айтишга улгурмай жарга қулаган.

Бу афюнни сотиб бойлик орттираётган кимсаларнинг ўзлари ҳам, фарзандларининг уни қабул қилишга боғланиб қолишини хоҳламайди. Негаки, улар гиёҳвандликнинг оқибати ўлим эканини яхши билади. Афсуски, ёшлар гўр бўлгани учун нопок кимсаларнинг алдовига учиб, кимгадир тақлид қилиб, бошқаларга ўзини кўрсатиб қўйиш мақсадида, бирон каснинг тазйиқи остида ёки ўзга сабаблар билан гиёҳвандлик кўчасига кириб қолади. Бу йўл — борса-келмасдир.

Қайта-қайта таъкидлашни истардик, ҳеч биримиз гиёҳвандлик биздан узоқда деган ўйга бормаслигимиз, бу иллатга лоқайд, бепарво қарамаслигимиз, ҳамиша огоҳ бўлишимиз керак. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, дунёда гиёҳвандлик кириб бормаган бирор минтақа, бирор ҳудуд қолмаган. Ҳар йили миллионлаб одамлар шу иллат оқибатида ҳаётдан эрта кетмоқда.

Ҳозирги кунда бутун дунё гиёҳвандликка қарши оёққа турган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу борада 1988 йилдаёқ конвенция қабул қилган. Ҳар йили 26 июнь – Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунида бу офатнинг олдини олиш ва бутунлай йўқотиш борасида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилаяпти, келгуси режалар белгилаб олинаяпти.

Юртимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ гиёҳвандликка қарши кураш давлат дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз ҳудудида гиёҳванд ўсимликларни ўстириш, гиёҳванд моддалар тайёрлаш, гиёҳванд моддани чегарамиздан олиб ўтиш, сотиш қатъиян тақиқланди. Бундай нопок ишларга қўл урганлар қонун олдида жавобгардирлар.

Агар гиёҳвандликни бедаво касаллик десак, шифокорлар таъбири билан айтганда, бу хасталикнинг олдини олишимиз учун бутун чора-тадбирларни ишга солишимиз шарт. Юртимиздаги ҳар бир одам, оила, маҳалла соғлом турмуш тарзига амал қилса, нафақат гиёҳвандлик, бошқа иллатлар ҳам ҳаётимиздан ўрин тополмайди.

Албатта, бу борада биринчи навбатда ота-онанинг ўрни беқиёс. Ота-она соғлом турмуш тарзига амал қилса, фарзандларини ҳам шу руҳда тарбияласа, уларни олий мақсадлар сари ундаб турса, вақтдан унумли фойдаланаётганини, кимлар билан учрашаётганини, қаерларда бўлаётганини қатъий назорат қилиб борса, бундай оилага гиёҳвандлик деган бало йўламайди.

Соғлом турмуш тарзини юртимиздаги барча оилаларда барқарор қилиш учун телевидение, радио, матбуот, кино, театр, тасвирий санъат каби таъсирчан воситалар мунтазам равишда тарғибот ишларини олиб бориши зарур. Масалан, телевидениеда гиёҳвандлик фожиасига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш қилинса, қанча оилалар сергак тортади ёки газетада гиёҳвандликнинг оғир оқибатларини қамраган таҳлилий мақола чоп этилса, қанча одамлар тўғри хулоса чиқаради.

Ҳа, гиёҳвандликка қарши курашда фурсат ғанимат, бугун бой берилган бирор лаҳза эртага оғир кулфат-фожиалар келтириши мумкин. Бу хайрли ишдан ҳеч ким чеккада турмаслиги зарур. Фарзандларимиз, юртимиз ёшларининг комил инсон бўлиб вояга етиши, бунёдкорлик, яратувчанлик, эзгу ишларга елка тутиши бу борадаги бугунги, эртанги, ҳар кунги саъй-ҳаракатларимизга боғлиқ.

**Марина МАРКЕНДУДИ,**
**ТДТУ ўқитувчиси,**
**Хумоюн МЎМИНОВ,**
**ТДТУ талабаси**

---

*Siz nima deysiz?*

# «ҲОЖАТБАРОР ЁЗУВЧИ»

***Иш юзасидан турли тоифадаги одамларга дуч келади киши. «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр», деганларидек, баъзилар билан бир учрашиб, умрбод дўст бўлиб қоласан, айримларга меҳринг тушиб, самимийлигини умр бўйи эслаб юрасан. Яна бир тоифа одамлар борки, ундайлар ҳар ёдингга тушганида «Инсофингга нима бўлган, эй одам!» дея ҳайқиргинг келади.***

... — Бир куни котибам кекса киши киришга рухсат сўраётганини айтиб қолди, — дея гап бошлади суҳбатдошим шу мавзуда гап очилгач. — Ҳали котибанинг гапини охиригача эшитиб улгурмасимдан у кишининг ўзи «ҳе» йўқ, «бе» йўқ эшикдан ичкарига кира солиб, «Сен бола нима иш бир киши сабабчи бўлганди, — дея гапини давом эттираётганда телефон жиринглаб қолди. Мен у кишидан узр сўраб гўшакни кўтардим, таниш овоз эшитилди.

— Сен мен билан ўйнашяпсанми, дейман-да. Ҳозир ўша сен ишдан бўшатган йигитнинг отасининг мазаси қочиб қолди. Ўлар ҳолатда ётибди. Агар унга бирор корҳол бўладиган бўлса, огоҳлантириб қўяй, калланг билан жавоб берасан, — зарда қиларди у.

— Ким дейсиз? — қайта сўрадим ҳайрон бўлганимча.

— Ўзингни гўлликка солма, катта, хўпми?! Ўша сен ишдан ноҳақ бўшатиб юборган йигитнинг отаси ўғлининг ишдан бўшатилганини эшитиб, мазаси қочиб қолди. Зўрга нафас олаяпти. Агар тезда ишга қолдириш масаласини ҳал этмасанг, сенга жуда ёмон бўлади, билиб қўй.

— Кечирасиз, отахон, мабодо адашмаяпсизми, сиз айтган киши ҳозир менинг ёнимда ўтирибдилар. Бундай ёлғон гапни айтишга уялмаяпсизми? Мана гаплашинг, — дея «жабрдийда»нинг отасига гўшакни узатгандим. У киши «алло» дейиши билан алоқа узилди.

Хуллас, кейин билсак, у чол маҳалланинг энг «қалами ўткир ёзувчи»ларидан бўлиб, «жабрдийда» йигитнинг уйига бориб, «хизмат» таклиф этиб, эвазига каттагина маблағ талаб қилибди.

Ота ўғлининг ўз айбига кўра ишдан бўшатилганини яхши билса-да, «Кел, майли, ҳамқишлоғимнинг сазаси ўлмасин. Зора, бирор натижа чиқса...» дея «ёзувчи» бобога «юқори»га ёзишга рухсат бериб юборган экан. Кейинчалик отаси ўз қилмишидан пушаймон бўлиб, фикридан қайтибди. Мўмайгина «гоно»ни қилиб қўйганингни биласанми, фалончини ишига қайта тиклайсанми, йўқми? Агар «йўқ» дейдиган бўлсанг, ўзингдан кўр, мени фалончи «ёзувчи» дейдилар. Мабодо айтганимга кўнмасанг, юқорига ёзиб шармандангни чиқараман. Ўзинг ҳам тан берасан ўшанда», дея ўдағайлаб кетса бўладими. Ёнимга ўтқазиб, воқеани батафсил айтай, десам, сира унамайди, денг. Нуқул битта гапни ушлаб олган: «Фалончини ишига қайта тиклайсан ёки шармандангни чиқараман...». Шундан сўнг отахон «юқори»га кўп ва хўп ёзди. Аммо ўша ходим ўз айбига кўра қонуний тарзда ишдан бўшатилгани боис бирор натижа чиқара олмади, шекилли, бироз тинчигандек бўлди. Орадан қанчадир вақт ўтиб, ишдан «ноҳақ» бўшатилган йигитнинг отаси ҳузуримга келди:

— Ҳаммаси учун узр сўрайман. Биз ҳақиқатни тан олмасдан сизни анча безовта қилиб қўйдик. Аслида, бунга ўзи ёзиб, «адиб» эса навбатдаги найрангини ўйлаб топган экан. Шуни айтсалар керак-да, «Ёлғоннинг умри қисқа» деб...

Суҳбатдошимнинг ушбу ҳикоясини кўп вақтдан буён ўйлайман. Ёшларни ёшлик қилгандир-да, дея балки кечириш мумкиндир, аммо ёши бир жойга бориб қолган, бошқаларга ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда панду насиҳат қилиб, тўғри йўлга бошлаши лозим бўлган айрим кексаларнинг «ёзувчи»лик орқасидан тирикчилик қилишга уриниши одамни ўйга толдиради.

Шоли курмаксиз бўлмаганидек, ҳикоя қилганимиз каби воқеалар ҳам ҳаётимизда озми-кўпми учраб туради. Бироқ ундай кишилар вақти-соати билан ўз қилмишларига яраша жавоб берадилар. Чунки буни ҳаёт дейдилар. Сиз нима дейсиз, азиз газетхон?

**Дилбар РАЗЗОҚОВА**

# ЗАМОНАВИЙ ТАШАККУР

Муюлишга яқинлашарканман, йўл чеккасида ётган юмшоқ чармдан ишланган қора ҳамёнга кўзим тушди. Атрофга қарадим: ҳеч ким йўқ. Уйдан унча узоқламаганим боис, балким таниш-билишники чиқиб қолар, деган ўйда уни олиб сумкамга солдим. Йўл бўйлаб бурилларканман, бола кўтарганча шошиб келаётган бир аёлга кўзим тушди. Унинг кўзлари ҳар томонга олазарак боқарди. Саломимга алик ҳам олмасдан ўтганидан сездимки, ҳамён уники. Ҳақиқатнинг янада ойдинлашишини истаб, кузата бошладим. Аёл бироз юргач, боласининг йиғлаганига ҳам қарамасдан, уни йўл чеккасида қолдирди-да, ўзи олдинга югура кетди. Шунда ҳамённи қўлимга олиб, "Ҳой, опа! Буни изламаяпсизми?" дея бақирдим. У тезда ёнимга етиб келди. "Ҳа, шуни..." деди-ю, ҳамённи очиб, ичига кўз югуртирди. Сўнг кўнгли жойига тушди, шекилли, бир сиқим пул чиқариб, менга узатди. Бунинг негалигини англаб, "Шарт эмас" дедим жиддий қиёфада. "Ол, олавер!" — қайта-қайта таъкидлади у. "Бу — холис яхшилик", дея жилмайдим. "Ты, дурак что ли?". У юзларини буриштириб кулди. Индамасдан ортимга бурилдим.

**Дилшод КАРИМОВ**

***Бокс бўйича, ушбу спорт тури пайдо бўлгандан буён неча киши жаҳон чемпиони бўлган? Каратэ бўйича-чи? Ёки индивидуал спорт турларидан исталганини олинг. Менимча, ўша спорт турларининг ашаддий мухлислари ҳам бу саволга бирданига жавоб бериши қийин. Шахмат бўйича эса, шу пайтгача, яъни расмий жаҳон чемпионлиги учун илк матч ўтказилган 1886 йилдан буён бор-йўғи 20 шахматчи шундай шарафга муяссар бўлган. Магнус Карлсен, демак, расман йигирманчи жаҳон чемпиони.***

# МАГНУС КАРЛСЕН ЎН ОЛТИНЧИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНИМИ ЁКИ ЙИГИРМАНЧИ?

Нима учун Россиянинг "РИА Новости" сайтида келтирилганидек, 16-эмас, 20- деяпмиз?

Бу саволга жавоб топиш учун жаҳон чемпионатлари тарихига назар ташлашимиз керак бўлади.

Шахмат бўйича расмий жаҳон чемпионлиги учун илк матч 1886 йили Вилгелм Стейниц ва Иоганн Герман Цукерторт ўртасида ўтказилган бўлиб, унда Стейниц ғалаба қозониб, шахмат тарихида биринчи жаҳон чемпиони бўлган эди. Шундан сўнг то 1993 йилга қадар, яъни 13-жаҳон чемпиони Гарри Каспаров FIDE ўтказаётган жаҳон чемпионлиги мусобақасида иштирок этишдан бош тортиб, англиялик Найжел Шорт билан биргаликда Профессионал шахматчилар ассоциациясини ташкил этгунига қадар ягона байроқ остида жаҳон чемпиони аниқлаб келинди. Каспаров 1993 йили ўзи ташкил қилган жаҳон чемпионлиги учун матчда Шортни енгиб, ўзини ПША таснифи бўйича жаҳон чемпиони деб эълон қилди. Унинг чемпионлиги 2000 йилга қадар давом этди. Шу йили тарқаб кетган ПША ўрнида пайдо бўлган Жаҳон шахмат кенгаши Каспаров ва Крамник ўртасида жаҳон чемпионлиги учун баҳс уюштирди. Унда Крамникнинг қўли баланд келди.

Бу орада FIDE мунтазам равишда жаҳон чемпионати ўтказиб келди. Аммо 1993 – 2004 йилларда бу мусобақа нокаут системада ўтказилди. Яъни, дастлабки мусобақаларда 100, 2002 йилдан бошлаб эса 128 нафар энг кучли гроссмейстер иштирокида қуръа натижаларига кўра "плей-офф" тарзида бўлиб ўтди. Уларда Анатолий Карпов (1993 – 1999), Александр Халифман (1999 – 2001), Вишванатан Ананд (2001 – 2002), Руслан Пономарёв (2002 – 2004), Рустам Қосимжонов (2004 – 2005) ғолиб чиқди. 2005 йили нокаут-чемпионат Жаҳон Кубогига айлантирилди. Шу йили ўтказилган саккиз нафар энг кучли гроссмейстер (Ананд, Топалов, Леко, Свидлер, Полгар, Адамс, Морозевич, Қосимжонов) иштирок этган жаҳон чемпионлиги учун икки даврали даъвогарлар турнирида эса Веселин Топалов муваффақият қозонди.

2006 йили Крамник ва Топалов ўртасида мутлақ жаҳон чемпионлиги учун кечган матчда Крамник ғалаба қозонди. Бу унвонни Крамник 2008 йили чемпионлик матчида Анандга ютқазиб қўйгунига қадар сақлаб турди.

FIDE 1924 йил 20 июлда ташкил топган. 1927 йилдан буён Бутунжаҳон шахмат олимпиадасини ўтказиб келади. 1948 йилдан бошлаб эса жаҳон чемпионлиги учун баҳслар ҳам FIDE шафеълигида уюштириладиган бўлди. Шунга асосан, шахмат бўйича жаҳон чемпионларини қуйидаги тартибда бериш мақсадга мувофиқ:

| | |
|---|---|
| **Жаҳон чемпионлари:** | |
| Вилгелм Стейниц | 1886 — 1894 |
| Эммануэл Ласкер | 1894 — 1921 |
| Хосе Раул Капабланка | 1921 — 1927 |
| Александр Алёхин | 1927 — 1935, 1937 — 1946 |
| Макс Эйве | 1935 — 1937 |
| **FIDE жаҳон чемпионлари:** | |
| Михаил Ботвинник | 1948 — 1957, 1958—1960, 1961—1963 |
| Василий Смислов | 1957 — 1958 |
| Михаил Таль | 1960 — 1961 |
| Тигран Петросян | 1963 — 1969 |
| Борис Спасский | 1969 — 1972 |
| Роберт Фишер | 1972 — 1975 |
| Анатолий Карпов | 1975 — 1985, 1993 — 1999 |
| Гарри Каспаров | 1985 — 1993 |
| Александр Халифман | 1999 — 2000 |
| Вишванатан Ананд | 2000 — 2002 |
| Руслан Пономарёв | 2002 — 2004 |
| Рустам Қосимжонов | 2004 — 2005 |
| Веселин Топалов | 2005 — 2006 |
| **Классик шахмат бўйича жаҳон чемпионлари:** | |
| Гарри Каспаров | 1993 — 2000 |
| Владимир Крамник | 2000 — 2006 |
| **Мутлақ жаҳон чемпионлари:** | |
| Владимир Крамник | 2006 — 2007 |
| Вишванатан Ананд | 2007 — 2013 |
| Магнус Карлсен | 2013 йилдан |

Энди жаҳон чемпионларини санаб чиқинг: улар 16 нафармикан ёки 20?!. Жаҳон шахмат олами мутасаддилари қандай йўл тутмасин, шахмат тожи ҳеч қачон эгасиз қолмаган (Алёхин вафот этгандан кейинги икки йил бундан мустасно). Бутун дунёда улкан ўзгаришлар рўй берган ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб баъзан қўш чемпионлик юзага келган. Масалан, 1993 – 1999 йиллари Карпов FIDE версияси бўйича, 1993 – 2000 йиллари Каспаров ПША версияси бўйича, 1999 – 2006 йиллари Халифман, Ананд, Пономарёв, Қосимжонов, Топалов FIDE версияси бўйича, 2000 – 2006 йиллари Крамник Жаҳон шахмат кенгаши версияси бўйича жаҳон чемпиони бўлиб турган. Нима бўлганда ҳам ҳаммаси тарихда қолади.

**Маматқул Хайдаев, шахмат шарҳловчиси, спорт устаси:**

— Ҳақиқатан ҳам, ўтган асрнинг 90-йилларига келиб замон, айниқса, ахборот алмашинуви тезлашиб кетди. FIDE томонидан жаҳон биринчилигини ҳар тўрт йилда эмас, икки йилда бир ўтказиш, қолаверса, дунёнинг барча давлатларида шахматни ривожлантириш, етакчи гроссмейстерларни рағбатлантириб бориш мақсадида "нокаут" тизимда ташкил этиш ғояси илгари сурилди. Бу кенг шахмат жамоатчилиги, гроссмейстерлар томонидан маъқулланди. FIDE зоналари турнирлари ғолиблари, энг юқори рейтингли шахматчилар жаҳон чемпионлиги учун баҳс олиб бориш имкониятига эга бўлдилар. Бу тизимда кучлилар худди катта теннисдаги каби сараланиб боради. Яна бир муҳим жиҳати, гроссмейстер ўз ўйин савияси, натижасига мос ҳолда соврин жамғармасига ҳам эга бўладиган бўлди.

Тўғри, аввалига бироз ноаниқликлар ҳам рўй берди. Айтайлик, 100 нафар энг кучли шахматчидан устун келган Ананд ғолиб бўлиш ўрнига финалда собиқ жаҳон чемпиони Карповга дуч келди ва узоқ кураш-ларда толиққан Ананд мағлуб бўлди.

Кейинчалик нокаут тизими мукаммаллашиб борди. А.Халифман ҳам, Р.Пономарёв ҳам расмий жаҳон чемпионлари ҳисобланади. Тўғри, бир неча етакчи шахматчилар, жумладан, Каспаров ҳам бу мусобақаларда иштирок этмади, лекин FIDEнинг қарори ҳамма учун баробар. Умуман, жаҳон чемпионатини ўтказиш қоидалари аввалгидек ҳам ўзгариб турган. Олдинига 6та ғалабага қадар (Капабланка – Алёхин), кейинчалик 24 партиялик (Карпов – Каспаров), сўнгра 12 партиялик (Каспаров – Крамник) матчлар ўтказилган. Янги қоидалар киритилиши доимо қийин кечган.

2004 йили Триполи шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида таркиб янада кучайди. Нокаут тизими қоидалари ҳам мустаҳкамланди. Юқори рейтингли етакчи шахматчилар сони кўпайди. Рустам Қосимжонов биринкетин Иванчук, Гришук, Топалов, Адамс каби жаҳон шахмат юлдузларини мағлуб этди ва 17-жаҳон чемпиони бўлди.

Кейинчалик FIDE Жаҳон чемпионатини ўтказишнинг янада мукаммаллашган ҳозирги қоидаларига етиб келди. Яъни, нокаут-тизим Жаҳон Кубоги мусобақаси номини олди. Унинг ғолиби ва финалчиси тож даъвогарлари турнирида иштирок этади. Амалдаги жаҳон чемпиони ва даъвогарлар турнири ғолиби 12 партиялик матчда чемпионлик учун кураш олиб боради.

Сўнгги 20 йил давомида жаҳон чемпионлиги учун кураштаги ўзгаришлар шуни кўрсатдики, аввало, шахмат турнирлари савияси кўтарилди, узоқ юртларда ҳам қадимий ўйин ривож топа бошлади, соврин жамғармасида африкалик, осиёлик ёки австралиялик гроссмейстерларнинг ҳам улуши пайдо бўлди. Яна бир жиҳати, шахматнинг томошабоплиги ошди. Мухлис классик шахматнинг ҳам, тайбрейк ёки рапид шахматнинг ҳам ишқибозига айланди.

Нима бўлганда ҳам ўтган давр мобайнида шахмат тожи энг муносиб, энг иқтидорли шахматчиларга насиб этган. Уларнинг йигирманчиси шахмат "сеҳргар"и Магнус Карлсендир.

## Карлсен ҳақида мутахассислар фикри

***Магнус Карлсен 1990 йил 30 ноябрда Норвегиянинг Тёнсберг шаҳрида туғилган. 13 ёшу 4 ойлигу 27 кунлигида халқаро гроссмейстер бўлган (2004 йил 26 апрель). Халқаро рейтинги 2700 ва 2800 балдан ошган энг ёш гроссмейстер. Шахмат тарихидаги энг юқори рейтинг соҳиби — 2872 (2013 йил февраль).***

***Лақаблари: "Кичкинтой". "Викинг", "Шахматдаги Моцарт".***

***Мутахассисларнинг таъкидлашича, Карлсен дебютни бўшроқ ўтказса-да, миттельшпил ва эндшпилда жуда кучли ўйин кўрсатадиган, рақибининг руҳий ҳолатини позик ҳис этиб турадиган универсал шахматчи. Замондошларидан айримларининг у ҳақдаги фикрлари билан танишинг:***

♦ *"Унинг кучи шундаки, бошқалар юзага келган позицияда ҳеч нарсани кўролмай турган ҳолатда у энди ўйинни бошлаётган бўлади" (Люк ван Вели).*

♦ *"Шахмат оламида бир нечта ғайритабиий гипноз қилиш қобилиятига эга шахслар бор. Энрике Мекинг ҳар доим ҳам шахматча йўл билан муваффақият қозонмаган уч кишидан иборат гуруҳга киради. Бу учовлон: Михаил Таль, Магнус Карлсен ва Энрике Мекингдир" (Виктор Корчной).*

♦ *"У энг оддий тактик, аммо Магнуснинг позицион таланти Петросян ёки Карпов даражасида" (Юрий Разуваев).*

♦ *"У етакчи шахматчиларни одатда дурангга келишиладиган позицияларда ютиб чиқади. Унинг техникаси мутлақо феноменал даражада, бунинг устига асаблари жуда мустаҳкам. Карлсен барча ёшлар каби вариантларни жуда яхши ҳисоблаб чиқади. Магнус Карлсен бу — муваффақиятга эришиш учун яратилган шахмат машинаси" (Евгений Бареев).*

♦ *"Карлсен дебютни бўш ўйнайди, деганларга қўшилмайман. Шунчаки у бошқалар юрган йўлдан юришни истамайди, ўз йўлини излайди, рақиби учун кутилмаган схемаларни моҳирлик билан танлайди. Ҳар кимнинг ўз услуби, ўз стратегияси, ўзига хос ёндашуви мавжуд. Норвегияликнинг ўйинида бўш жиҳатларни амалда кўрмаяпман. У мутлақо универсал. Бугунги Карлсен бу — ўтган ярим аср давомида тўпланган барча шахмат билимлари билан кучайган ўтган аср 60-йилларидаги Спасский" (Сергей Шипов).*

## Қизиқарли маълумотлар

⇒ *Жаҳон шахмат тожини энг узоқ вақт ўзида сақлаб турган шахматчи бу — Эммануэл Ласкер. У 27 йил давомида жаҳон чемпиони бўлиб турган: 1894 – 1921 йиллар.*

⇒ *Россиялик Александр Алёхин чемпионлик тахтини ҳеч кимга бермасдан оламдан ўтган. Шундан сўнг шахмат тожи икки йил эгасиз қолади:1946 –1948 йиллар. 1948 йили жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган даъвогарлар турнирида яна бир россиялик шахматчи — Михаил Ботвинник ғолиб чиқади.*

⇒ *АҚШлик Роберт Фишер чемпионлик тахтидан тожни ҳимоя қилиш учун матчдан бўйин товлагани боис маҳрум қилинган.*

⇒ *Украиналик Руслан Пономарёв шахмат тарихидаги энг ёш жаҳон чемпионидир. У шахмат тожини кийганида 18 ёшдан энди ошган эди.*

**Саҳифани Хусан НИШОНОВ тайёрлади.**

## «APPLE» ФОТОАППАРАТ УЧУН ПАТЕНТ ОЛДИ

***«Apple» компанияси постфокус функциясига эга рақамли фотоаппарат учун давлат патент бюросидан рухсат олди. Компания бу орқали ўз хизматлар турини янада кенгайтирмоқчи.***

Замонавий имкониятларни ўзида тўла жамлаган камерада «Lytro» фотоаппаратида бўлгани каби микролинзага хос хусусиятлар мужассам. У олинадиган кадрнинг ёруғлик майдонини тезда ўлчайди ва назорат қилади. Маълумотларга кўра, компания асосчиси Стив Жобс «Lytro» билан аввалдан қизиққан ва унга муносиб рақобатчи бўла оладиган маҳсулот яратишни мақсад қилган.

Адам Лашинский 2012 йили нашрдан чиққан «Inside Apple» китобида ёзишича, Жобс ўлимидан олдин «Lytro» фотоаппарати муаллифи Рен Нгни уйига таклиф қилиб, ундан маҳсулотининг афзалликлари, барча ижобий чиқирлари хусусида сўраган. Аммо бешафқат ўлим туфайли у ўз орзусига етолмай қолди...

Ушбу камеранинг афзаллик томони шундаки, у «Lytro»дан фарқли равишда, оддий расмлар билан бирга равшанлик даражаси ўзгартирилган кадрларни ҳам бемалол суратга олади. Ҳатто камерадаги микролинзалар блокининг жойлашувини ҳам автомат тарзда ўзгартириши мумкин.

Агар блок матрица ва объект орасида жойлашган бўлса, камера постфокус функцияси билан суратга тушира олади. Биргина ноқулай жиҳати шундаки, расмлар кичик ўлчамда бўлади.

## ЯПОНЛАР РОБОТ-АБИТУРИЕНТ ЯРАТИШМОҚДА

***«The Japan Daily Press» нашрида қайд этилишича, Япония миллий информатика университети олимлари университетга қабул жараёнида кириш имтиҳонларини тўла назорат қилиш учун махсус роботни ишлаб чиқаришга киришган.***

«Todai RobotProject» дея номланган лойиҳа асосчиларидан бири Юсуке Миясонинг таъкидлашича, у одатий физик қурилмалар қаторига кирмайди, балки содда дастурий таъминотни ўзида мужассамлаштиради. Шунда уни компьютер орқали бошқариш имкони пайдо бўлади.

Бундай ғайриоддий қурилмалар 2016 йилга қадар Японияннинг барча олий таълим муассасаларига етказиб берилиши режалаштирилган. У абитуриентларнинг хатти-ҳаракатларидан мутасаддиларни воқиф этиб туради. Бундан ташқари, 2021 йилга келиб, у такомиллаштирилади ва Токио университетига кириш учун имтиҳон топширган абитуриентларнинг тест синовида йиққан балларини ҳам аниқлаб бера олади.

Абитуриентлар кириш имтиҳони топшираётган чоғдаёқ робот уни текшириб боради. Агар тест ечаётган абитуриент адашса, дарҳол хато дея кўрсатади. Шунда турли тушунмовчиликлар, таниш-билишчилик ва порахўрликларга нуқта қўйилади.

Яқинда роботнинг ўзи унга юкланган вазифаларни нечоғлик «ҳалол ва тўла-тўкис» адо этиши синаб кўрилди. Математика фанидан топширилган тест синовларини текшириш жараёнидан аъло даражада ўтди.

## МЕТАН — ЖУМБОҚНИНГ КАЛИТИ

***Маълумки, Ер ҳаёт мавжуд бўлган ягона сайёра ҳисобланади. Бироқ бу бошқа сайёраларда ҳаёт аломатлари мутлақо йўқ, деган хулосага келишга асос бўлолмайди.***

Шотландиядаги Сент-Эндрюс университети олимлари айнан шундай фикрни илгари сурмоқда. Ўзга сайёраларда-ги мавжудотларнинг турмуш тарзи, фаолияти шунчаки бизнинг вақт билан уйғун келмаслиги мумкин. Шу сабабли ҳам уларнинг мавжудлигини идрок этиш ҳамон номаълум бўлиб қолаётган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Мутахассислар тегишли маълумотларга эга бўлиш мақсадида ҳаёт белгилари йўқолиб бораётган сайёралардан излашга киришишган. Охирги йигирма йил мобайнида астрономлар йўқликка юз тутиб бораётган сайёраларни аниқлашга муваффақ бўлган. Натижада қачондир ушбу сайёраларда мавжуд бўлган ҳаёт белгиларини топиш имконияти туғилди.

Шотландиялик олимлар мазкур мавзу бўйича муайян тасаввур ҳосил қилиш учун компьютерда махсус модель дастуридан фойдаланиб тажриба ўтказиб кўрдилар. Буни қарангки, наботот ва ҳайвонот олами орадан 1,2-1,85 миллиард йил ўтгач, бутқул йўқолиб кетаркан. Айни шу вақтга келиб, атмосферада метан 10 баробарга кўпаяди.

Демак, ҳозир «ўлик» деб ҳисобланаётган сайёралардаги метаннинг нисбатини аниқлаш лозим. Шундан сўнг, уларда ҳам бир вақтлар ҳаёт мавжуд бўлган ёки бўлмаганини билиш мумкин.

## РОК ВА РЕП ЖАЗАВАГА СОЛАДИ

***Квинсленд технология университети илмий ходимларининг фикрича, классик оҳанглар инсон руҳиятига ижобий таъсир этиб, асабни тинчлантиради, юрак уришини мувозанатлаштиради.***

«The Herald Sun» нашрида берилишича, олимлар бундай хулосага кичик тадқиқот ўтказишдан сўнг келишган. Жараёнда дастлаб кўнгилларнинг қандай турдаги мусиқаларни кўпроқ эшитиши аниқлаб олинган. Ажабланарлиси, уларнинг аскарияти асосан қўшиқнинг матнига мусиқасидан кўра кўпроқ эътибор бериши ойдинлашган.

Шовқин-суронли, алмойи-жалмойи матндан иборат оғир рок ва реп йўналишидаги қўшиқлар инсонлар, айниқса, ёшлар кайфиятига салбий таъсир этиб, уларни тушкунликка тушириб қўяди. Улар организмда адреналин моддасининг керагидан ортиқ ажралишига сабаб бўлиб, одамни жазавага солади.

Натижада у енгил-елпи ҳаёт тарзи — тунги клублар, дискотека-барларда вақтини ўтказишга муккасидан кетади. Айнан шундай нобоп мусиқалар таъсирида гиёҳванд моддалар ҳамда спиртли ичимликларни истеъмол қилиш кучаяр экан. Шунинг учун ҳам олимлар ёшларни реп ёки рок жанридаги қўшиқларни тингламасликка, эшитган тақдирда ҳам уларнинг «руҳиятга» берилмасликка чақирмоқда.

**ЎзДЖТУ талабалари А.АЛИЖОНОВ, У.МУХТОРБЕКОВА ва Ҳ.УСМОНОВА тайёрлади.**

## JUMLADA JAHON
yangiliklari ● xabarlari

**Ҳиндистонда рўй берган кучли «Лехар» бўрони туфайли азият чеккан 27 минг маҳаллий аҳоли ўз турaржойларини тарк этмоқда, кўплаб таълим муассасалари фаолиятини вақтинча тўхтатган.**

Британиянинг Колчестр шаҳри ҳайвонот боғидан ходимларнинг эътиборсизлиги оқибатида қочиб кетган учта йиртқич бўри оддий аҳолига хавф туғдириши ҳисобга олиниб, вертолётдан туриб отиб ўлдирилган, айни пайтда қолган иккита бўри қаттиқ назорат остига олинган.

**NBC телеканали орқали берилган хабарга кўра, Калифорния штатининг аҳоли гавжум яшайдиган жойларидан бирида номаълум шахслар томонидан уюштирилган отишма оқибатида икки нафар ҳуқуқ-тартибот ходими кучли жароҳатланган ва улар оғир аҳволда шифохонага олиб кетилган.**

«Associated Press» ахборот агентлиги хабарига кўра, 2014 йили футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати ўтказилиши режалаштирилган Бразилиядаги «Итакерау» стадиони томининг бир қисми ўпирилиб кетиши оқибатида уч киши ҳаётдан кўз юмган, тан жароҳати олган ўнлаб инсонларга тез тиббий ёрдам кўрсатилган.

**Қиш фаслининг барвақт бошланиши туфайли Санкт-Петербургда кучли ва ҳўл қор ёғиши оқибатида катта йўлларда автомобиллар қатнови бутқул издан чиққан ва кўплаб автоҳалокатлар содир бўлган.**

Гонконг шаҳрида тезюрар ясси кеманинг номаълум объект билан тўқнашиб кетиши оқибатида палубадаги 87 киши турли даражада тан жароҳати олган, эҳтиётсизликка йўл қўйган кема капитанининг аҳволи эса жуда оғир.

## ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ БЎЙИЧА АЪЛОЧИ ХОДИМ АНИҚЛАНДИ

**Самарқанд шаҳрида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ўртасида ўтказилаётган «Аълочи ходим» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Кўрик-танлов давомида ходимларнинг тактик ва жанговар тайёргарлиги, газ ва тутундан ҳимоялаш воситаларининг тузилиши ва ишлаш принципи бўйича билимлари, шунингдек, турникда тортилиш, 100 метрга тўсиқлар оша, 1000 метрга югуриш, нарвондан юқорига кўтарилиш бўйича жисмоний тайёргарликлари синовдан ўтказилди. Иштирокчиларнинг назарий билимлари тизимдаги амалдаги меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган тест саволлари орқали баҳоланди.

Кўрик-танлов натижасига кўра ИИВ (вилоят (шаҳар) ИИББ, туман ИИБ) ЁХБ ёнғин ўчириш штаби гуруҳ бошлиқлари ўртасида Бухоро вилояти ИИБ ЁХБ ёнғин ўчириш штаби гуруҳ бошлиғи, подполковник Акмал Умуров, ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги отряди командирлари ўртасида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 7-ҲЁХО командири, майор Улуғбек Маҳаматжонов, ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми навбатчи смена бошлиқлари ўртасида Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ 13-ҲЁХҚ смена бошлиғи, катта лейтенант Тимур Ҳакимов, касбий ёнғин хавфсизлиги қисми навбатчи смена бошлиқлари ўртасида Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ЁХБ 13-КЁХҚ смена бошлиғи Саатбай Искандеров «Аълочи ходим» деб топилди ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Жалолбек ҒАФУРБЕКОВ, ИИВ ЁХББ ЖТБ муҳандиси**

Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 288-мактаб томонидан 1996 йилда Юсупхожаева Наргиза Мирходиевна номига берилган UZ A 014976 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг Болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва реабилитация қилиш шўъбаси мудири Ҳури Калбаевага волидаи муҳтарамаси **Меҳри ЮЛДАШЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

***«Маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир», дея ёзган эди Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида. Дарҳақиқат, маънавият миллатни миллат сифатида тан олдириб, қудратини намойиш этувчи ана шундай катта кучга эга. Маънавиятнинг қарор топишида эса китоб билан ошно тутиниш, мутолаа маданиятига эга бўлмоқнинг ўрни алоҳидадир. Шу маънода республикамизда нашриёт-матбаа саноатининг ривожланиб бораётганини қувонч билан эътироф этсак арзийди.***

***Бугунги «Кутубхона»миздан ўрин олган китоблар «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа маркази чоп этган асарлардан намуналар, холос. Таъкидлаш жоизки, «Янги аср авлоди» йил давомида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда «Жавондаги юз жавоҳир» туркумида Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Абдулла Қодирий сингари сўз санъаткорларининг асарларини янгича дизайн ва кўринишда нашр этиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилаяпти. Бу жамоа аҳлининг халқимиз, хусусан, ёшларимиз маънавиятининг юксалишига муносиб ҳиссаси сифатида қимматлидир.***

***Биз қуйида нашриёт-матбаа маркази томонидан чоп этилган айрим китоблар хусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.***

# КИТОБ — ТАФАККУР ГАВҲАРИ

## АХБОРОТ — МЎЪЖИЗА, ЖОЗИБА, ФАЛСАФА

«Одамлар ҳаётида, умуман, дунёда юз бераётган барча ўзгаришлар, янгиланишларнинг сабабчиси — ахборот!». «Ахборот бирлаштиради... парчалайди». Бу қайдлар биз оддийгина «ахборот» дея атаётган кучнинг нечоғлик катта аҳамият касб этишини такрор-такрор уқтиради ва унинг мўъжизалари, фалсафаси моҳиятини англашга ундайди ўқувчини.

Таниқли адиб ва журналист, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети «Аудиовизуал журналистика ва оммавий коммуникация» кафедраси мудири, филология фанлари доктори Х.Дўстмуҳаммад қаламига мансуб «Ахборот — мўъжиза, жозиба, фалсафа» монографияси кенг доирадаги мутахассислар, тадқиқотчилар, умуман, ҳаёти ва қизиқишларини ахборот дунёси билан ҳамоҳанг деб билган жамоатчиликни давримизнинг долзарб масалалари борасида фикр алмашишга, изланишга, баҳслашишга чорлайди.

Муаллифнинг «Бисотда йиғилган гаплар»и ҳам кишини эътиборсиз қолдирмайди: «Миллий одобдан — қалам одоби», «Эшитиш бошқа, тинглаш бошқа»... Албатта, бу каби гаплар шунчаки йиғилган эмас. Демак, ҳамманинг ўқиб, уқмоғи фақат ўзига фойда!

## ИЧИНДАГИ ИЧИНДАДИР

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг турли мажлисларда билдирган фикрларидан таркиб топган ушбу китобни мутолаа қилишни, мағзини чақишни ният этганлар зиёли инсонлардир.

Албатта, бу рисолани ҳар гал қўлингизга олганингизда унинг лаззатини яна ва яна туяверасиз. Кўнглингиз равшан тортаверади. «Ақл инсон вужудида бир амир кабидир...», дейди Ҳазрат. «Дард доимо инсонга йўл очади. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши лозим...», дея фикрини давом эттиради яна. «Жалолиддин Румийнинг «Ичиндаги ичиндадир» асари инсонлик ва илоҳийлик ўртасига қўйилган кўприкдир... — дея таъриф беради китобга битган сўзбошисида филология фанлари номзоди Улуғбек Ҳамдамов. — ... Зеро, асар улуғворлик ва соддаликнинг бир макону бир замонда сиғишиб яшашининг гўзал намунасидир».

Назаримизда, моҳият кашшофининг ушбу ниҳоятда ширали ва ўқигувчисини бағрига сингдириб юборишга қодир асари ҳар бир оиланинг китоб жавонидан жой олиши, лозим. Шунда юраклар, амаллар, тилаклар, йўллар покланиб, нурафшонлаша бораверади.

## МАКТАБ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ

«Энг муҳим нарсалар ҳеч қачон энг аҳамиятсиз нарсалар ихтиёрига ташлаб қўйилмаслиги керак», деб ёзган эди Гёте. Афсуски, биз аксарият ҳолларда фарзанд тарбиясидек ниҳоятда масъулиятли ва кечиктириб бўлмас вазифамизни ҳатто ўзимиз моҳиятига етмайдиган воситалар қўлига топшириб қўямиз. Дейлик, фарзандимизнинг «кўча сангимай» компьютер ёки телевизор қаршисида ўтириб, бизнинг «бошимизни қотирмаётгани»дан хотиржаммиз. Лекин қандай кўрсатувларни томоша қилаётганию, компьютер уни қаерларга етаклаётганидан ҳар доим ҳам воқиф бўлавермаймиз.

«Янги аср авлоди»да Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Абдуғафур Расуловнинг умумий таҳрири остида чоп этилган «Мактаб оиладан бошланади» китоби юқоридаги каби ҳолатлар хусусида бот-бот ўйлашга ундайди. «Фарзандингиз сиз истагандек эмас, сиз тарбиялагандек инсон бўлиб етишади», «Фарзандингизнинг муҳим кунларида унинг ёнида бўлинг», «Имкон қадар фарзандларингиз билан бирга овқатланинг» сингари ибратомуз ибораларнинг алоҳида ажратилган ҳолда берилиши эса ўқувчи эътиборини янада ўзига жалб этиб, ҳар бир мавзуни ўқиши, мушоҳада юритишига туртки бўлади.

## ҲАҚИҚАТ МАНЗАРАЛАРИ

Ҳикматли сўзлар, мақоллар ва афоризмлар, аввало, маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига дахлдор ўзига хос адабий жанрлардан бири эканини яхши биламиз. Баъзида катта бир асарни ўқиб тугатгач, не уққанимизни илғай олмай, хаёлларимиз чалкашиши мумкин. Аммо донишмандларимиз айтиб кетган бор-йўғи икки ёки уч мисрадан иборат ҳақиқат манзараларидан албатта, қандайдир хулоса чиқарамиз. Муаммолар боис йўқотиб қўйилган калаванинг учини топгандек ҳис эта бошлаймиз ўзимизни.

«Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф» китоби жаҳон фалсафасининг мумтоз вакиллари ҳаёти ва дурдона фикрлари жамлангани билан кенг китобхонлар оммасига ажойиб армуғон бўлди, десак арзийди.

«— Энг тез нарса нима?

— Ақл.

— Ҳаммадан донороқ нарса-чи?

— Вақт. Чунки ёлғиз вақтгина ҳамма нарсани ойдинлаштиради...».

Азиз муштарий, сизни Милетлик Фалеснинг ушбу савол-жавоб шаклидаги ибратли иборалари ва шу каби тафаккур оламининг ноёб дурдоналаридан бахраманд бўлишдек қувонч безовта қила бошладими, бундан хурсанд бўлинг ва ушбу китоб билан оилавий кутубхонангизни бойитишга ошиқинг.

## МОЗИЙ БАҒРИДАГИ СИРЛАР

Юрт ўтмиши, тарихий воқеалар, аждодларимизнинг яшаш тарзи ҳамиша бизни қизиқтириб келган. Маълумки, ҳозирги кунда тарих икки йўналишда, яъни «Жаҳон тарихи» ва «Ўзбекистон тарихи» бўлимларга ажратилган ҳолда умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида ўрганилаётир. Барча фанларда бўлгани сингари тарихда ҳам ўзига хос мураккабликлар борки, ўқитувчилар ҳам, ўқувчилар ҳам, қўшимча манбаларга, ўтилган мавзуларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи материалларга эҳтиёж сезади. Нашриёт-матбаа маркази томонидан ўқувчилар, абитуриентлар, олимпиада қатнашчилари учун мўлжаллаб нашрдан чиқарилган «Тарих фанидан универсиал тестлар» китоби шу йўлда кўмакчи вазифасини ўтай олади. Тарихий воқеа-ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини билишдан ташқари бир-бири билан таққослаш, мустақил фикр юритиб муносабат билдириш, биринчи даражалиларини ажрата олиш, бир сўз билан айтганда, мозий сирларидан воқиф бўлишда ушбу китоб яқиндан ёрдам беради.

## «КАМОЛОТ» КУТУБХОНАСИ» БИСОТИДАН

«Янги аср авлоди» нашриёти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ёшларнинг китобга қизиқишини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш мақсадида туркум китобларни чоп этишда давом этмоқда. Жумладан, «Одамизоднинг бу дунёдаги олий вазифаси — ўз тақдирини рўёбга чиқаришга эришувидир», дея инсоннинг ички руҳий қудратини намоён этиш сари етакловчи машҳур Пауло Коэльонинг «Алкимёгар» романи, неча асрлардан буён

қўлдан-қўлга ўтиб келаётган Жюль Верннинг «Ўн беш ёшли капитан»и, Ватанга муҳаббатнинг ибратли намуналари ўз аксини топган Миркарим Осимнинг «Тўмарис»и, болаларнинг севимли қаҳрамони «яширинган» Худойберди Тўхтабоевнинг «Сариқ девни миниб» асари ана шу саъй-ҳаракатлар маҳсули сифатида ўқувчилар қўлига янгича кўринишда етиб борди.

**Саҳифани Ойбуви ОЧИЛОВА тайёрлади.**

# ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИЛСА

## ғалабаларимиз сони янада ортиб бораверади

***Юртимиз мустақилликка эришган илк йиллардан бошлаб ўтган даврда одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг умр кўриши 75 ёшга узайганида, албатта, жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга берилаётган юксак эътиборнинг ҳам ўз ўрни бор. Бундай эътибор сабаб тенглар ичра тенг Ўзбекистон спортчилари йирик халқаро мусобақалар — Олимпиада, жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Осиё ўйинларида мунтазам иштирок этиб келаяпти.***

Ёдингизда бор, 1992 йили Манилада (Филиппин) бўлиб ўтган Жаҳон шахмат олимпиадасида Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси юздан ортиқ мамлакат гроссмейстерларини ортда қолдириб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. 1994 йили Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида футбол бўйича миллий терма жамоамиз бош совринни қўлга киритгани эса ҳеч бир юртдошимизнинг ёдидан чиқмаслиги муқаррар...

Биргина шахмат соҳасида эришаётган ютуқларимиз кўплаб ривожланган мамлакатлар учун — ушалмас орзу. 2004 йили Триполида (Ливия) кечган жаҳон чемпионати ғолиби сифатида шахмат тожини кийган Рустам Қосимжонов ҳамда 2012 йили Марибор шаҳрида (Словения) ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ғолиби Нодирбек Абдусатторов каби истеъдодли шахматчиларни бугун барча яхши билади.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан спортни ривожлантиришга, аҳоли орасида янада кенг оммалаштиришга берилаётган улкан эътибор, яратиб берилаётган шарт-шароитлар туфайли спортчиларнинг янги авлоди шаклланиб келмоқда. Юртимиз шарафини ёзги ва қишки олимпиада, Осиё ва Жаҳон чемпионатларида муносиб ҳимоя қилаётган ўғил-қизларимиз ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўз мақсадларига эришмоқда.

Ортда қолган йиллар давомида ўтказилган Осиё ўйинларига назар ташласак ҳам ютуқларнинг салмоқли эканига гувоҳ бўламиз. 1994 йилдан то 2010 йилгача бўлган даврда умумий медалларимиз сони жами 232 тани ташкил этмоқда. Уларнинг 53 таси олтин, 83таси кумуш ва 96таси бронза медаллардир.

Жумладан, 2010 йили Гуанчжоу (Хитой) шаҳрида бўлиб ўтган XVI ёзги Осиё ўйинларини олайлик: Ўзбекистон спорт делегацияси мазкур нуфузли мусобақада муносиб иштирок этиб, жами 56та (11та олтин, 22та кумуш ва 23та бронза) медални қўлга киритди.

### E'tirof

Ўтган йиллар давомида ўзбек спортида бир қатор дунё тан олган номлар пайдо бўлди: Артур Таймазов, Дилшод Мансуров (эркин кураш), Ришод Собиров (дзюдо), Муҳаммадқодир Абдуллаев, Аббос Атоев, Элшод Расулов (бокс), Рустам Қосимжонов (шахмат), Владимир Тўйчиев (велоспорт), Юлия Тарасова, Светлана Радзивил (енгил атлетика), Вадим Меньков (байдарка ва каноэда эшкак эшиш) ва бошқалар.

Футбол бўйича ФИФА рефериси Равшан Эрматов ёки Осиёнинг энг яхши футболчиси Сервер Жепаров, оғир атлетика бўйича жаҳон чемпиони Руслан Нурудинов, футбол бўйича 2012 йили Эронда кечган ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионати ғолиби бўлган терма жамоа бош мураббийи Дилшод Нуралиев номи эса кўплаб ёшларимизда ҳавас уйғотмоқда.

Яна бир диққатга сазовор жиҳат шуки, Ўзбекистон истиқлолни қўлга киритибгина халқаро спорт тадбирлари мезбонига айланди. Мустақилликка қадар қарийб бирор марта юртимиз бундай улкан мусобақалар манзили этиб танланмаган экан. Спортнинг чинакам жонкуяри бўлган Юртбошимиз саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилган ислоҳотлар туфайли спортчиларимиз халқаро нуфузли спорт тадбирларида муносиб қатнашиб, юксак натижаларга эришаётгани, табиийки, жаҳон спорт ҳамжамияти эътибори Ўзбекистонга қаратилишига замин яратди. Дастлаб 1995 йили Тошкент илк бор Марказий Осиё ўйинларига мезбонлик қилган бўлса, 2013 йилга қадар жами элликка яқин халқаро спорт тадбирлари мамлакатимизда юқори савияда ташкил этилди.

Аслида медаллар, мезбонлик, ғалабалар — ўз йўлига. Спортнинг дўстлик ва тинчлик, шунингдек, соғлом турмуш тарзига бошловчи восита экани бугунги мураккаб, таҳликали даврда кўпроқ аҳамиятга эга, назаримизда. Шу маънода, юртимизда униб-ўсиб келаётган болаларни спортга кенг жалб этиш масаласига жиддий ёндашилмоқда. Чекка қишлоғу овулларда замонавий спорт иншоотлари бунёд этилмоқда, болалар энг оммавий спорт турлари билан шуғулланиб, маҳоратини оширишга, саломатлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлишмоқда.

Қисқаси, мамлакатимизда ёшларни ҳар бир спорт тури бўйича муваффақиятга етакловчи кенг имкониятлар яратилган. Ёшларнинг камолига камарбаста спорт муассасаларида фидокорона меҳнат қилаётган мутахассис ҳамда мураббийлар ўз малакаси ва юксак маҳорати билан ўғил-қизларимизни спорт билан шуғулланишга янада фаол жалб этса, мавжуд шароитлардан самарали фойдаланилса, шубҳасиз, халқаро спорт ареналарида Ўзбекистон номи доим ҳурмат билан жаранглайверади.

**Амир САДУЛЛОЕВ,**
**Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти 2-курс магистранти**

# ТИЛСИЗ ЁВНИ БАРТАРАФ ЭТИШ

## масъулият билан ёндашишни талаб қилади

Бир инсон эътиборсизлиги ёки масъуличсизлиги, табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслиги оқибатида ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиб нафақат ўзининг, балки қўшниларнинг ҳам ҳаётини, молмулкини хатарга қўйиши турган гап. Бундай ҳолларда ёнғин хавфсизлиги ходимларидан халқ мол-мулкини асраш билан бирга инсонлар ҳаётини ҳам сақлаб қолишда ўз вақтида келиб, хизмат бурчини сидқидилдан бажариш, тилсиз ёвни бартараф этиш талаб этилади.

Бугун ушбу соҳанинг замонавий техникалар билан таъминлангани, ёнғин хавфсизлиги ходимларининг ўз касбига масъулият билан ёндашаётганлиги, улар томонидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётгани ёнғинлар сонининг камайишига олиб келмоқда.

Ёнғин хавфсизлиги идораларида аниқ белгиланган чора-тадбирлар асосида фаолият олиб борилаётгани кўплаб ташкилот ва корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, маҳалла ва тураржойларда хавфсизликни таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Олдимизда турган қиш мавсуми соҳа ходимларидан доимо огоҳ ва ҳушёрликни талаб этади.

**Шерзод ҚОДИРОВ,**
**12-ХЁХО 12-ХЁХ алоҳида пости бошлиғи, капитан**

### 2013-yil — Obod turmush yili

**Ота-она ўз фарзандларида чинакам ибрат намунаси сифатида таассурот уйғотиши оилада аҳиллик, тотувлик бўлишига замин ҳозирлайди. Бугун мамлакатимизда юксак даражада эътибор берилаётган спорт соҳасида яратилган барча шарт-шароитлардан фойдаланиб болаларига ўрнак бўлаётган ота-оналар эса таҳсинга сазовордир.**

Диёримизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини яхшилаш мақсадида самарали саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Аҳолини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш

# СОҒЛОМ АВЛОД ОИЛАДА УЛҒАЯДИ

орқали саломатликни сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш каби долзарб масалаларга давлат сиёсати даражасида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, «Камолот» ЁИҲ билан ҳамкорликда 27-28 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида «Соғлом оила — соғлом келажак» шиори остида оилавий спорт ўйинларининг республика босқичини ўтказди.

Мусобақалар икки босқичда ташкил этилди. Дастлабки баҳслар вилоятлар миқёсида ўтказилди ва унда туманларда ғолиб бўлган оилавий спорт жамоалари ғолиблик учун куч синашди. Иккинчи босқич — республика босқичи йўлланмасини қўлга киритган 14та ғолиб оила спортчилари Тошкент шаҳрида жамулжам бўлишди.

Спорт ўйинлари югуриш, акробатика, нишонга отиш эстафетаси, «Ким чаққон ва мерган?», Моҳир ўқотар, арқон тортиш, «Чаққон она» ва «Эпчил қиз» каби спорт ва миллий ҳаракатли ўйинлар уйғунлигида ўтказилди. Кўриниб турибдики, мусобақа шартлари оилавий шароитдан келиб чиққан ҳолда танланган.

— Шиддатли баҳслар, муросасиз мусобақалар оилаларни янада жипслаштирди, ягона мақсад — ғалаба йўлида бирлаштирди, — деди спорт ўйинларининг Республика босқичи ғолиби, қибрайлик Комилжон Юсупов. — Айнан ана шундай куч ва бирдамлик эвазига бугунги мусобақада муваффақиятга эришдик. Ўйлайманки, юртимизда оилавий спорт мусобақалари қанча кўп ташкил этилса, соғлом фикрловчи, ҳамма ҳавас қилувчи баркамол оилалар сони кўпаяверади.

Чиндан ҳам, спорт ва жисмоний тарбияни узвий равишда оилаларимизнинг кундалик турмушига сингдириш, каттаю кичикни спортга қизиқтириш оилавий муносабатларнинг барқарорлигини таъминлайди.

Якунда ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Унга кўра, Тошкент вилоятидан келган Юсуповлар оиласи биринчи ўринни, пойтахтлик Сафинлар оиласи иккинчи ва самарқандлик Тўрабоевлар оиласи учинчи ўринни банд этди. Уларга ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**

**В.ГРАНКИН олган суратлар.**

# СПОРТСЕВАР ЁШЛАР

Бухоро вилояти таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ишлар самарасида ҳудуддаги барча умумтаълим мактабларида ўқувчилар фанларга оид билимини ошириш билан бирга спорт билан ҳам мунтазам шуғулланмоқда.

Бухоро шаҳридаги 23-умумтаълим мактабида замонавий спорт зал, футбол, волейбол, стол теннриси, гандбол, шахмат, шашка тўгараклари доимо ёшлар билан гавжум. Ўқувчилар, шунингдек, шаҳардаги «Ёшлик», «Семург», «Бухоро» каби спорт мажмуаларида фаолият юрита-

*Bolalar sporti*

ётган бадиий гимнастика, теннис, кураш, дзюдо, спорт гимнастикаси, юнон-рум кураши, таэквондо, бокс секцияларига ҳам мунтазам қатнашиб, салоҳиятини янада оширмоқда. Мактабнинг Фарангиз Наимова, Беҳруз Темиров, Мадина Раҳматуллаева, Меҳрибону Баҳромова каби кўплаб ўқувчилари мамлакатимизда ўтказилаётган нуфузли мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаётир.

Суратларда: Бухоро шаҳридаги 23-умумтаълим мактабида.

**Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган суратлар.**

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim, fan va madaniyat xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir: Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Farrux JABBOROV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Farhod RIZAYEV, Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Mirzakarim XUDDIYEV, Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416

INDEKS: 149, 150. Г-1118
Tiraji 36388.
Hajmi 4 bosma taboq. Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-53-14, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 233-56-45, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 233-54-49, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 233-54-63, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 233-76-40, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar: Liliya BINASHEVA, Malohat TOSHOVA.

Navbatchi muharrir: Nazokat XOLMETOVA.

Navbatchi: Bobomurod XUDOYBERDIYEV.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

ЎзА якуни — 22.15
Topshirildi — 23.00

1 : 3 4 5